Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

32 сон

11 –17 август, 2005 йил




Сунажон Рўзиметова шогирдлари билан иш устида.

# МЕҲНАТ—ҲАЁТИМ ЗИЙНАТИ

**-дейди Урганч туманидаги "Анжирчи" қишлоғининг қўли гул чевари Сунажон Рўзиметова.**

Аёллар ҳаётидан

Сунажон опа тикувчилик касбининг қадр-қимматини яхши тушунган, фидойи инсон. Мана ўттиз йилдан бери у ёшларга бу касбни ҳечам эринмасдан, кунт билан ўргатиб келмоқда. Тикувчилик касби ҳар бир аёл учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайта-қайта уқтиради. Шунинг учун ундан иш ўрганиб, ўз ризқ-рўзини топаётган аёллар устозга алоҳида ҳурмат-иззат билан қарашади. Раъно Бекматова, Дилором Шержонова, Шукуржон Абдуллаева сингари ўнлаб аёллар бугун мустақил ишлаб, касб-коридан баракот топмоқдалар. Устоз-шогирд анъаналарига садоқат билан қараётган бу қизлар ҳунари ортидан ризқ-рўз топиб кам бўлмаяптилар.

- Отам Рўзимат бобо деҳқоннинг пири эдилар,-дейди Сунажон опа. - Раҳматлик қўлига кетмоқ олсалар ер уларга отам кутганидан ҳам зиёд меҳр-мурувват кўрсатарди. Она тупроққа меҳр-муҳаббатлари ниҳоятда чексиз эди. Ҳунарли хор бўлмайди, сен чеварликни ўрган қизим, аёл кишига тикувчилик ҳаётида асқотади,-дедилар бир куни отам. Шунинг учун ўн ёшга тўлганимда мени аммам Реймажон Бозорбоеванинг ихтиёрига бердилар. Мен аммамдан тикувчиликнинг барча сир-синоатларини ўргандим. Отам деҳқон бўлиши баробарида дурадгорлик касбининг ҳам ўткир, бетакрор устаси эдилар. Қишлоқда қад ростлаган кўпгина уйларнинг дераза ва ромларига у кишининг терлари тўкилган.

Сунажон опа боболаридан қолган ўгитларига амал қилиб эл-юртда ҳурмат-иззат топмоқда. Эри билан биргаликда 25 ярим гектар ерни фермер хўжалиги қилиб олиб, ундан мўл ҳосил етиштирш, ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш учун барча куч ва имкониятларини ишга солишаяпти. Мўл ҳосил етиштиришнинг барча сир-синоатларини пухта ўзлаштириб олган эр-хотин фарзандларига ибрат намунасини кўрсатишмоқда. Сунажон опанинг фақат тикувчилик билан шуғулланиб қолмасдан балки, дала юмушларида ҳам эрига яқиндан кўмак бераётганлигини яхши тушунса бўлади.

"Анжирчи" қишлоғи аҳли Сунажон опага катта ишонч билдиришди. Унинг ҳалол ва самарали меҳнатлари муносиб баҳоланди. Анжирчилар онахонни Урганч тумани халқ кенгашига депутат қилиб сайлашди.

Сунажон опа эри Рўзимбой ака бошлаган ишларга ҳам яқиндан кўмак бериб келаяпти. "Бир ёқадан бош чиқармоқ" деганлари шумикан. Эр-хотин фарзандларига бош бўлиб ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларида энг аввало ибрат намунасини кўрсатмоқдалар. Беш ўғил, битта қиз тарбиялаб вояга етказаётган оилада ўзаро ҳурмат қарор топган. Қизи Дурдона онасининг касбини тутмоқчи. У ҳали олтинчи синфда ўқиётган бўлишига қарамасдан аллақачон ўзига кўйлаклар тикиб улгурди. Ўғиллари Умидбек, Отабек, Мансурбек, Хурсандбек, Дилшодбек отасига дастёр. Бир-биридан ширин неваралар эса оиланинг овунчоғи. Улар билан бахти тўкин, кунлари сершавқ ўтаётган онахон шу кунларга шукроналар айтаверади. Чунки, ақлли, доно болалар ота-онанинг бахти-да.

**Дилбар БЕКЖОНОВА**

# МАСЛАҲАТЧИ



***"Шарқда қадимдан оила муқаддас Ватан саналади. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради",- дея уқтирган эдилар юртбошимиз.***

# БОШ-ҚОШ БЎЛСА...

Президентимизнинг **"Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони асосида жойларда обрўли ва фаол хотин-қизларни диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларига тайинланди. Бугунги кунимизда маҳалла маслаҳатчисининг фаолияти, иш услуби, салмоғи қандай?

Ҳаммага таниш "Суюнчи" фильмидаги Анзират момони кўз олдингизга бир келтиринг. Қишлоқнинг ҳар бир хонадони, ўша хонадондаги аҳвол билан яқин таниш бўлган. Анзират момо ким отасидан хабар олмаяпти-ю, кимнинг дарвозасига қулф осилди, қишлоқнинг таниш ўғрисидан тортиб, бўй етган қизлари ҳаттоки. сел оқизиб кетган кўприги ташвиши билан яшаган. Шунинг учун ҳам момога "қишлоқнинг виждони", деган таърифни беришган.

Бугунги кунда маслаҳатчилар маҳаллада-маҳалла виждони бўлишга лойиқми? Уларга халқ тўла ишона оладими? Дарди-қувончига шерик қиладими? Сиёсий ва ҳуқуқий билимларни яхши эгаллаганми? Чигал вазиятни одилона бартараф этишга қодирми?-деган ҳақли саволлар қаршисида ўзини йўқотиб қўймайдими? Ҳа, маслаҳатчи халқ ишончини оқлаш учун тайинланган. Ўзганинг ташвишини ўзиники қила олғани, "сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида яшашдан йироқ бўлгани, фидойилик қилаётгани қувонарли. Мамлакатнинг фидоий аёлларига айланган маслаҳатчилар ва хотин-қизлар қўмиталари фаоллари оддий оналар ва эртамизни келажакка боғловчи қизларимиз кўз ўнгида ижобий таъсир ўтказиш ва ўрнак бўлиши биз учун жуда катта аҳамиятга эга.

Узоқ йиллик педагогик фаолиятим нуқтаи назаридан иш юритишим туфайли ҳам маҳалла маслаҳатчиси сифатида қатор ижобий ютуқларга эришдим, десам муболаға бўлмайди. Кексаю-ёш, эркагу-аёл бир тан бир жон бўлиб ўз маҳалламизни ўз оиламизга айлантирганмиз. Кам таъминланган оилалар маҳалланинг ўзидаёқ эътиборга олинган, муаммолар масаласида ҳам четдан нажот кутиб ўтирилмайди. Маҳалла оқсоқоллари, кексалар насиҳатига амал қилинади. Аёллар қизларни турмушга тайёрлаш борасида жиддий шуғулланишади. Маҳаллада "сеники", "меники" деган ибора йўқ. Тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, исрофгарчиликларга йўл қўймаслик борасида ҳам илғорликка эришдик. Атрофимизга ҳар соҳанинг фидоий, заҳматкаш аёлларини жам қилган ҳолда маслаҳатчи гуруҳини тузганмиз. Бизларни маҳаллада барча-барча танийди, ҳурмат қилади. топшириқларимизни инобатга олади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан жойларда маслаҳатчилар ўқувлари ташкил этилди. Бу ишга кўзга кўринган олимлар, мутахассислар, давлат ва жамоат арбоблари, диний қўмиталарнинг энг обрўли вакиллари жалб этилди.

Хотин-қизларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини ўрганиш, қонунлар амалиётини таҳлил қилиш, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш масъулияти маслаҳатчининг аниқ иш режаларига киради.

Истиқлол биз учун тарақ-қиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва яшаётган хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумбашарият эътироф этган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик. Бу жуда катта бойлик. Бизларга қўйилган талаб эса ўша бойликни асраш холос.

Бу вазифани биз албатта уддалаймиз.

**Зубайдахон АҲМЕДОВА, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, "Янги боғ" маҳалла диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

# ЮРТ ТИНЧЛИГИНИ ТИЛАЙМИЗ

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

Қўмитамиз фаоллари ушбу кунларда "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" шиори остида жойларда хотин-қизлар, ёшлар билан учрашувлар ўтказмоқдалар.

Шаҳрисабз марказидан 76 км. узоқликда жойлашган Ғелон қишлоғига осмонўпар тоғлар, ям-яшил боғлар, шаффоф булоқлар оралаб ўтиб борар эканмиз, Ўзбекистонимиз ҳақиқатан ҳам жаннатмакон юрт эканлигига яна бир бор иймон келтирамиз.

Ғелон қишлоғи аҳолисининг самимий сўзлари эътиборингизни ўзига тортади. Хонадонларнинг саранжом-саришталигига ҳавасингиз келади. Бу ерда эшикларга қулф солинмайди. Қишлоқ аҳли бир-бирига ўзаро ишонч билан яшайди. Аёлларни тўплаб суҳбатлашарканмиз, улар ҳукуматимизнинг қарорларидан хабардор эканликларини, Андижон воқеалари юзасидан тайёрланган кўрсатувни бутун қишлоқ аҳли биргаликда диққат билан эшитиб кўрганликларини, Президентимиз сиёсатини қўллаб-қувватлашларини чин дилдан изҳор этдилар. Бу қишлоққа келган ҳеч бир меҳмон Президентимиз ташаббуслари билан қурилган чойхонага кирмасдан кетмайди. Биз ҳам Ғелон қишлоғига ўзгача файз ва кўрк бағишлаб турган, рўпарасида эса viқорли тоғлар савлат тўкиб турган чойхонага кирдик.

Ғелонлик оқсоқол Норқул бобо Исматов шундай дейди:

- Юртбошимиз вилоятимизда раҳбар бўлиб ишлаган даврларида боболар учун чиройли чойхона қуришни тавсия этганлар. Биз кексалар мана шу файзли чойхонага ҳар куни йиғиларканмиз, Президентимизнинг ҳақларига дуо қиламиз. Юртимиз тинчлигини тилаймиз...

**Ш.АСЛАНОВА, Шаҳрисабз туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ахборот

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Усмон Юсупов номли маҳалла гузарида хотин-қизлар қўмитасининг диний маслаҳатчилар ва хотин-қизлар кенгашлари раислари билан йиғин бўлиб ўтди. Унда "Ўз уйим, ўз маҳаллам", "Аёллар саломатлигини тиклаш", "Тадбиркорликни ривожлантириш" каби мавзулар шунингдек, Мустақиллик байрамига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди. Туман ҳоким муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Орзухон Идрисова бошқарган тадбирда фаоллар мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан қилинган ва бажарилиши зарур бўлган ишлар ҳақида гапирдилар.

**САНОБАР**

№ 32 (719) 11 август — 17 август 2005 йил




*Суҳбатдошимиз Қарши тумани ФХДЁ бўлими мудираси Наврўза АБДУРАҲМОНОВА.*

# НИКОҲ — МУҚАДДАС

**- Авваллари фуқароларимиз ФХДЁ (собиқ ЗАГС) бўлимига кўпроқ уч ҳолатда - фарзанд дунёга келганда, никоҳдан ўтилганда, ўлим ҳақида қайд қилинган маълумотнома олиш учун мурожаат қилишарди. Мустақиллик йилларида ФХДЁ бўлимлари оилалардаги барча жараёнларга ижобий таъсир кўрсатувчи фаол бир ташкилотга айланди, назаримизда...**

- Албатта, мана, оддийгина бир ҳолат - болаларимизга исм қўйишни олайлик. Илгари кўпинча "ота-онасининг хоҳиши шу бўлса, бизга нима?" деган кайфият билан катталар танлаган исмни ёзиб беришаверган. Сотқинбой, Фуркат, Жобир каби исмлар (албатта, бундай исм соҳиб, соҳибалари мени маъзур тутсинлар) шу тарзда қўйилиб қолган. Ахир, исм ҳам оиланинг, қолаверса, миллатнинг маънавий даражаси, кўпчилик маданиятини ифодалайди. Шу маънода биз ФХДЁмизда "исмлар маъноси" деган деворий кўргазма ташкил қилганмиз. Кўпинча ота-оналар, тарихий, замонавий исмларни шунга қараб танлашади. Баъзилар бировнинг оғзидан эшитиб, кимлигини билмай тарихий исм қўйишади. Биз тарихий исмлар ёнига у ким, қайси элларда яшаган, нима ишлар қилган - изоҳ ёзиб қўйганмиз. Ёки бўлмаса, никоҳ масаласига жуда эътибор кучайтирилган. Ёшларимиз никоҳдан ўтиш учун ариза бергач, бир ой синов муддати берилади. Улар бу вақтни кўпроқ кийим-кечак тиктириш, сарпо-суруқни бутлашга сарфлайдилар. Биз туманимиздаги Чоригул, Бешкент, Қовчин қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудларида шифокор, ҳуқуқшунос, диний ташкилот вакиллари билан "Сиз турмуш қураётган қизингиз (йигитингиз)ни яхши биласизми?" деган мавзуда суҳбат ўтказдик. Авваллари:

- Сиз бўлажак жуфтингизнинг саломатлиги ҳақида қандай маълумотга эгасиз?

- Қудалар бир-бирини танийдими? Ҳаёт мезонлари бир-бирига тўғри келадими, каби саволларни кўпчилик орасида айтишга андиша қилардик. Энди одамларнинг ўзлари шундай саволлар атрофида суҳбатлашишга қизиқаяпти. Қиз ёки йигитнинг қўлида касби бўлиши, уларнинг руҳий қизиқишлари ҳақида ҳам ўйлашяпти.




Шу маънода биз учрашувларда тест саволлари билан йиғилганларга мурожаат қилиб, никоҳ оила масалалари бўйича тушунчаларини аниқлаймиз. Бу нарса бизга қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қилишимизни кўрсатувчи барометр бўлади.

**- Никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласи бугуннинг энг долзарб масаласи бўлса керак?**

- Ҳаётимизда жорий этилган ҳар бир янгилик фуқаролар эҳтиёжи туфайли юзага келади.

Бир фактга эътиборингизни қаратай. 2003 йил туманда 16 нафар киши оғир таносил касаллигига чалинган бўлса, 2004 йилда 37 нафарга етган. Улар орасида ёшлар ҳам бор. Бундай хасталикларга чалинганлар тиббий кўрикдан ўтмай никоҳ қуришса борми, бир-бирига, фарзандларига юқиши мумкин. Бу иллат тиббий кўрик бу навбатдаги гуруҳбозлик эмас, оила саломатлиги, насл тозалигини ўйлаб амалга оширилган жуда катта тадбир эканлигини исботлайди.

Шунинг учун Қоратепа, Чўлибўстон каби қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида, мактабларнинг юқори синфларида ёшларни жинсий ҳаётга тайёрлаш, тиббий кўрикнинг зарурлиги ҳақида давра суҳбатлари ўтказдик. Мен фотиҳа қилинган, тўйи яқин оилаларга маҳаллалардаги диний-маърифий ва маънавий ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиларнинг боришини шахсан илтимос қилганман. Қайси ота-она ёки ёшлар истиҳола қилаётган бўлса, биз билайлик. Кўплашиб бу ҳолатдан олиб чиқиб кетамиз, дейман. Тўғрисини айтиш керак, тиббий кўрик силлиққина кечаётгани йўқ. "касал менинг болам, сен никоҳини қий-да, бер, деб турганлар йўқ эмас. Аммо бу жараённи мажбурий ҳам қилиб бўлмайди. Оддий ҳаёт жараёнига айлантириш керак. Бутун ҳаракат шунинг учун.

**- Наврўзахон, қувонч бор жойда ташвиш ҳам деганларидай... сизда никоҳ қувончлари билан ажрим ташвишлари ҳам бордир. Таҳлил қиласизми сабабларини?**

- 2004 йилда туманимизда 988 та никоҳ қайд этилган бўлса, 19 та ажрим ҳолати қайд этилган. Бу фақат ФХДЁ бўлимида қайд қилинган ажримлар. Биз ҳар бир ҳолатни индивидуал ўрганамиз. Агар умумийлаштирсак, асосий қисми ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги. Ота-оналарнинг оёқ-қўлида қувватим бор, беш-олти қўй-молим бўлганда бошини боғлаб қўя қолай, деб шошилгани... қўлида касб-ҳунар йўқ ёшлар ота-онасининг соясида фарзандли бўлишиб, аравасини торта олмай қолишяпти. Шунинг учун никоҳ масаласини ўта шахсий масала деб болаларнинг ўзига ташлаб қўйиш керак эмас, назаримда. Чунки ажримларнинг оқибатлари етим, қаровсиз болалар кўпроқ жамиятга юк бўлиб тушади. Эр-хотинни бир-бирига яхши кўрсатадиган аввало уларнинг қадри. Бир-бирининг олдида қадри бўлиши керак. Қадр эса меҳнат, жамиятдаги мавқеи билан тикланади. Туманимиздаги Наврўз, Навбаҳор маҳаллаларида Пахтакор ва Ертепа қишлоқ фуқаролик йиғинлари "Никоҳ-муқаддас", "Эрнинг хотин, хотиннинг эр олдидаги бурчи" мавзуларида кўргазмали семинарлар ўтказдик. Олиб бораётган ишимизнинг энг катта ютуғи - одамларда фикр уйғонаётгани, эшитиб мулоқотга киришгани, бефарқ эмаслиги. Бизнингча, барча яхши ўзгаришлар тафаккуримиздаги уйғонишдан бошланади.

**Кутлибека РАҲИМБОЕВА суҳбатлашди.**

# ОМОН БЎЛСИН, ОТ МИНСИН!

**Марям ҲОЖИМАТОВА - Гулистон шаҳар акушерлик комлекси мажмуаси бошлиғи, бош шифокор, "Меҳнат шуҳрати", "Ҳурмат белгиси" орденлари совриндори.**



Онам (Олияхон) кўп қийинчиликлар билан биз—тўрт қиз, бир ўғилни вояга етказган. Дадамнинг оғир дард туфайли дунёни тарк этганини эшитиб, "Дўхтир бўламан, оталарни даволайман, токи ҳеч кимнинг отаси ўлмасин!" деган эдим. Мактабни тугатиб, Андижон Тиббиёт Олийгоҳига ўқишга кирдим. Русийзабонлар гуруҳига тушиб қолган қишлоқ қизининг аҳволини бир тасаввур қилинг. Шундай лаҳзаларда "яхши шифокор бўлсам, тиббиётни ўзбек тилида ўргатадиган мактаб очаман", дея дилимга тугиб қўйгандим.




1968 йил ҳамкасбим гулистонлик йигит Ҳамиджонга турмушга чиқдиму, Сирдарё вилоятига келиб қолдим. Ўшандан буён "тиббиёт қозонида"ман. Ишни оддий шифокор (акушер-гинеколог)ликдан бошлаганман. 10 йилдан буён Гулистон шаҳри аёллар касалликлари комплекс мажмуасида бош шифокорман. Шифохонамиз 100 ўринга мўлжалланган. Тиббий ускуналар Япония, Германия ва Россиядан олиб келинган. 174 нафар ходим ишлайди. Уларнинг 21 нафари малакали шифокорлар, 97 нафар ҳамшира хизмат қилади. Саккизта туғруқ қабул қилиш хонаси, иккита жарроҳлик хонаси бор. Бугунги кунгача тўрт мингга яқин операция қилдим. 25 мингдан ошиқ онанинг фарзанди ёруғ дунёни кўришига ёрдамлашдим. Ҳар гал ўзим она бўлгандай қувонаман. Айниқса ўн олти йилда Ҳасан-Ҳусан эгизаклар кўрган аёлнинг шодлигига шерик бўлишдек бахтнинг таърифи йўқ.

Аммо кўксимни ўкинч оғритган лаҳзалар ҳам бўлган. Шамоллаш натижасида, ички секреция безларининг иши бузилганда, кимёвий моддалар билан ишлаганда, ичиш, чекиш оқибатида аёллар касалликлари вужудга келади. Бу бепуштлик, бола тушиши, миома сингари дардларга мубтало қилади. Кўп ҳолларда эрта турмушга чиқиш ҳам аёлни майиб қилиб қўяди. Қиз бола учун 21 ёш айни балоғат палласидир. Ҳомиладорликни яхши кечиши учун бўлажак она вақтида тиббий кўрикдан ўтиши, кўпроқ кўкат, мевалар, сутли таомлар истеъмол қилиши шарт. Уйдаги муҳит ҳам ҳомилага таъсир қилишини бўлажак ота-оналар унутмасликлари керак.

"Сиҳат-саломатлик Дастури»да инсон ҳар томонлама мукаммал бўлиши учун қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жойларда янги шошилинч тиббий ёрдам ўчоқлари ишга туширилди, чет эл тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Шифокорларнинг малакасини ошириш учун курслар очилди. Бутун дунё тиббиёти янгиликларидан хабардор қилинмоқда. Бу албатта мамлакатимизда болалар ва оналар ўлимини камайишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилишини, бир дақиқа ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Фарзандларимиз омон бўлсин, От минсин!

**Санобар ФАХРИДДИНОВА.**

# БАХТЛИ АЁЛ



Каттақўрғон шаҳридаги Навбаҳор маҳалласида яшовчи, халқ таълими аълочиси Тошхон опа Баҳромова оиласини маҳалладагилар ибратли оилалардан деб билишади.

- 27 йил ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бердим. Ҳозир нафақадаман. Турмуш ўртоғим шаҳардаги 16- мактабда физикадан дарс беради. 5 нафар фарзандимиз бор. Ўғил-қизларимизнинг ҳар бири ҳаётда ўз ўринларини топишганидан хурсандман. Ҳаммамиз тўпланиб, чақчақлашиб дастурхон атрофида ўтирганимизда, ўзимни энг бахтли аёл деб ҳис қиламан.

**- Сизни кўрган киши ҳечам нафақада деб ўйламайди.**

- Биласизми, ёшликнинг кушандаси нималар? Ҳасад, туҳмат ва бошқалар олдида бировни изза қилиш. Мен ана шу уч иллатдан ўзимни йироқ тутдим. Балким, шу сабабли ёш кўринарман.

**- Сизнингча инсон бахти нимада?**

- Умрнинг мазмуни, бу оиланинг тинчлигида, хотиржамлигида. Эрталаб уйдан ёмон кайфиятда чиқинг, ишингиз мутлақо юришмайди. Оиланинг тинчлиги, барқарорлиги дунёнинг жами гўзаллигидан ортиқдир. Инсон бахти ўз жуфти ҳалолига бўлган ишонч, садоқатдадир. Бир донишманд: "Дунёдаги энг бахтли инсон - бу оиласида бахтли бўлган инсондир", - деган экан.

Мен ўзимни бахтига эришган инсон, деб ҳисоблайман.

**Хошим ОРЗИҚУЛОВ, Самарқанд вилояти.**

***Турли касб эгалари***

# ИШЧАН МУДИР

Гулнорахон ёшлигидан кутубхоналарга кириб, китоблар олиб ўқир, келажакда албатта кутубхоначи бўлишни орзу қиларди. Бу орзулар уни мактабни тамомлагач, Наманган маданият институтига етаклади. Олийгоҳни 1989 йилда тугатиб иш фаолиятини вилоят болалар кутубхонасида кутубхоначиликдан бошлади. 1992 йилдан эса Андижон шаҳрида жойлашган 15-кутубхонада ишлай бошлади. Бугунги кунда 14 мингдан ортиқ китоб фондига, 402 нафар китобхонга эга бўлган бу кутубхона доимо китобхонлар билан гавжум.

- Кутубхонамизда сиҳат- саломатлик йилига оид бурчаклар, китоблар кўргазмаси ташкил этилган. Шифокорлар билан ҳамкорликда "Соғлом фарзанд-юрт келажаги" мавзусида тадбир ўтказилди. Шунингдек, "Аёл маънавияти", "Қизлик шаънингни сақла", "Гиёҳвандликдан сақлан" мавзуларида ўтказилган тадбирларимиз аҳоли ўртасида яхши таассурот қолдирди. Биз яқинда фуқаролар йиғини, шифокорлар билан ҳамкорликда "Соғлигимиз ўз қўлимизда" мавзусида кўрик танлов ўтказмоқчимиз, - дейди, биз билан суҳбатда изланувчан кутубхона мудири Гулнорахон Ҳакимова. Хуллас унинг олиб бораётган ишларидан барча мамнун.

**Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА.**

***«Оила ва жамият»га жавоб келди***

# ЧЕВАРЧИЛИККА ЎҚИЙДИ

Наманган вилояти, Косон шаҳрида яшовчи М. Нишонованинг "Оила ва жамият" газетаси таҳририятига қизи Зулфиянинг касб-ҳунарли бўлиши учун ёрдам сўраб ёзган аризаси, аризачининг хонадонига бориб атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам аризачи М. Нишонова I-гуруҳ ногирони эканлиги, қарамоғида икки нафар фарзанди, келини ва уч нафар набираси билан уч хонали уйда оғир шароитда яшаётганлиги аниқланди.

Ушбу оила кам таъминланган оила сифатида "Гулистон-2" маҳалла фуқаролар йиғини назоратида бўлиб, уларга ҳайит ва байрамлар арафасида моддий ёрдам кўрсатиб келинади.

М. Нишонованинг қизи Зулфия "Гулистон-2" маҳалласида ташкил этилган чеварчилик курсида бепул ўқитилиши келишиб олинди. Косонсой туман ҳокимлиги ушбу оилани ўз назоратига олди.

**И. НАЖМИДДИНОВ, Вилоят ҳокими.**

*Ҳуқуқимизни билайлик*

# САРСОНЧИЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Қўлимда ўнга яқин турли хил ҳукм, қарорлар нусхаси. Рўпарамда эса йиғлаб ўтирган аёл. Афсуски, унинг қисматига ҳавас қилиб бўлмайди. 4 нафар фарзанднинг онаси София Ҳамроева асли Қашқадарё вилоятининг Касби туманидан. Турмуш ўртоғи Азим Холматов билан никоҳи 1996 йили бекор қилингач, фарзандлари учун турмуш ўртоги тўлаши лозим бўлган алимент пулларини ундириш учун ариза билан мурожаат этмаган идораси қолмади, ҳисоб.

- 4 фарзандни вояга етказишни ўзи бўлмайди. Ўзим мактабдан ташқари ҳеч қаерда ўқимаганман. Қўлимда на бирор касбим, на ҳунарим бор.

София опа рўмолчаси билан кўз ёшларини артар экан, оғир хўрсинди.

- Ўзим Касби туман Хитой қишлогида тугилганман. Косон тумани Пўлати қишлогига келин бўлиб тушдим,-дея сўзида давом этади София опа. - Аммо фарзандларим туғилганидан кейин хўжайиним ича бошлади. Уйдан барака кетди. Ҳар икки гапнинг бирида "йўқол қишлоғингга" деб бақирадиган бўлди. Ўша пайтлари турмуш ўртоғим Косонда омборда ишларди. Кейин тадбиркорлик билан шугуллана бошлади. Уйимиздан ҳаловат йўқолди. Қайнонам билан ҳам чиқиша олмай қолдим. Ёшлигимда ота-онам қазо қилган. Ноилож ур-сурга чидай олмай укамникига қайтдим.Эрим билан ажралишдик. Аммо укамнинг хотини мени кўриши билан тўнини тескари кийиб олди. "Опанг билан бирга яшамайман", деб уйидан чиқиб кетди. Иккинчисига укамни уйлаб қўйганимиздан кейин, ака-укаларим ўзимга бир уй бир даҳлиз қуриб беришди. Ўзим фарзандларимни боқиш учун туман пахта тозалаш заводига фаррош бўлиб ишга кирдим.

София Ҳамроеванинг идорама-идора сарсонгарчилиги айнан шундан сўнг бошланди. 1995 йил 28 сентябрда унинг турмуш ўртоғи Холматов Азим билан никоҳи бекор қилингач, Косон туманлараро судининг 02.08.1996 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан Холматов Азим вояга етмаган 4 нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ой ўзининг барча топган даромадлари ҳисобидан 1\2 қисми миқдорида алимент тўлаши белгиланган эди. Аммо унинг бирор бир ишнинг бошини тутишга, ҳунар ўрганишга бўйни ёр бермади. 1996 йил август ойидан 2005 йил 1 январ кунига қадар жами 945.240 сўмдан 90820 сўм алимент пулини тўлаб, қолган 852, 420 сўм алимент пулини тўламасдан қочиб юрди.

София Ҳамроева фарзандларини вояга етказиш учун зарур бўлган мазкур пулларни ундириб беришларини сўраб, бир неча бор Косон туманлараро судига, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (ОМБУДСМАН) га мурожаат этгач, Косон туман суди томонидан Холматов Азимга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Суд Холматов Азимдан 65300 сўм жарима ундириш ва Ҳамроева София фойдасига тўланмаган 852, 420 сўм алимент пулларини ундириш хусусида ҳукм чиқарди. Ҳукм 2005 йил 8 апрел куни кучга кирган бўлса-да, ҳануз София Ҳамроеванинг оғири енгил бўлганича йўқ.

- Ҳануз Косон туманлараро судининг ижрочиси суд ҳукми ижросини таъминлаганича йўқ. Додимни кимга айтай? Сўнгти умидим севимли "Оила ва жамият" газетасидан. Қийналсам ҳам газетани мунтазам сотиб олиб, ўқишга ҳаракат қиламан. Ҳозир хўжаликдан 2 гектар ер олганман. Ойига ишлов учун 14 минг беришади, холос. Бундан бошқа даромадим деярли йўқ. Катта қизим 1998 йили мактабни битирди. Бу йил ўғлим ҳам ўқувчилар сафидан чиқиб, мустақил ҳаётга қадам қўйди.

София опа юзини юваётган ёшларини арта- арта хайрлашди.

Газетага ёрдам сўраб минглаб юртдошларимиз мурожаат қиладилар. София Ҳамроеванинг ҳам муаммоси ўз ечимини топиши аниқ. Бу ўринда биз София опага Тошкент давлат юридик институти қошида очилган ва муваффақиятли фаолият олиб бораётган инсон ҳуқуқлари бўйича юридик клиникага мурожаат этишларини маслаҳат берардик. У ердаги малакали мутахассислар тез кунларда София опани қийнаб келаётган бу муаммони ҳал этишда бепул ёрдам беришларига ишонамиз.

**Наргис ҚОСИМОВА .**

# Саломлашишни биламизми?



Японлар каттаю-кичик, аёлу-эркак ҳаммалари бир-бирлари билан ва умуман ким билан бўлмасин, иккала қўлини қовуштириб, тавозе-ла ним эгилиб, сўрашишади. Ҳиндулар эса қўлларини жуфтлаб, пешоналари узра кўтариб сўрашадилар.

Биз-чи, биз қандай сўрашамиз? «Ассалому алайкум —Ваалайкум ассалом"нинг маъносини ҳаммамиз ҳам тўлиқ англаймизми? «Ассалому алайкум» арабчада «Сизга мен тинчлик тилайман» ва жавобан «Ваалайкум ассалом" — «мен ҳам Сизга тинчлик тилайман» дегани. Бу сўзларнинг ўзаги—"Салим", «Солим»лар ҳам соғлик, саломатлик маъноларини билдиради.

Биз бугун ушбу меҳр-муҳаббат уфуриб турган ахлоқ-одобимизни унутиб қўяёзганимиз йўқми? Нафақат баъзи эркаклар, ҳатто аёллар ҳам қўлларини шалоплатиб кўришишлари ўзларидан бошқа билмайдиган ўта махфий сирларидан дарак берувчи изҳори дил маҳсулими? Ё бошқа яқинлик ифодасими? Нима бўлгандаям, ташқаридан қараганда, ниҳоятда хунук кўринади. Эркаклар кўришганда қучоқлашиб, бир-бирларини лабларидан сўриб ўпишишлари-чи? Бу недан далолат беради? Ўнг ё чап қўлини боши узра кўтариб, беписандлик билан хайрлашишлар — «Ҳелло! Гудбай»лар-чи?




Ота-боболаримиз шундай қўпол, беписанд, хотинчасига саломлашишганми ҳеч? Иккала қўлини бериб, ё бир қўлини чўзиб, иккинчисини кўксига қўйиб: "Ассалому алайкум—Ваалайкум ассалом", деганларида юзу-кўзларида ўзгача бир меҳр, содиқлик, дўстлик каби туйғулар товланмасмиди? Узоқ кўришмаганлар учрашиб қолишгандаги елкаларини бир-бирларига латифлик билан теккизиб, саломлашишларида қандайдир ўзбекона улуғворлик бор эди.

Аслида буям одамнинг ички маданияти, теран маънавиятидир. Тангри саломини ҳар ким ўзи учун беради. Иззат қилса, иззат кўради. Гоҳида қай бир эркаклар, айниқса салгина амалдор, қай бир янги бойиган бойвачча ва баъзи оқ-қорани таниганлар ҳам билиб-билмай (балки буям такаббурлик маҳсулидир) чап қўлини шимининг чўнтагига (қишда бўлса плашч, пальтосига) тиқиб, ўнг қўлини узатади. Энг ёмони бу янглиғ беписандлик ила сўрашиш расмрусумга айланиб бораётгани ачинарлидир.

Бир ибратли кўришиш тарихи ҳозир ҳам кўз ўнгимда. Бектош Раҳимов Хоразмда партиянинг биринчи котиблигида мендай ёш, ҳали энди институтни тамомлаб келган мутахассисни қабул қилгани мана, қирк йилга яқинлашиб қолдиким, ҳеч эсимдан чиқмайди ва буни мен учрашувларда, суҳбатларда кўп айтиб келаман. Қабулларига кириш навбатим етиб келганда Бектош аканинг ёрдамчиси менга киринг, деди. Эшикни очиб киришим билан ўрта бўйли, чиройли, келишган одам ўрнидан туриб, хонасининг ярмигача юриб келиб, мени қарши олди. Мен бир-икки қадам юриб не қиларимни билмай ҳаяжонланиб турдим. У киши ўктамлик билан келиб қўл чўзиб саломлашди. Суҳбатимиз ниҳоятда самимий бўлди. Йиллар ўтиб англадимки, у киши бу янглиғ қабул чоғидами, учрашганидами, ким билан бўлса-да, ўзи учун, ўзининг ҳурмати учун ана шундай муомала-муносабат қилар экан. Мана, то ҳануз ўша кўришувни илиқ меҳр билан эслаяпман.

Менинг ўзим ҳам ким билан бўлмасин каттами-кичикми, танишми-нотанишми, аёлми, эркакми, қатъий назар ўтирган бўлсам ўрнимдан туриб, кўзига самимий тикилиб, қўшқўллаб, аёлларга эса қўлимни кўксимга қўйиб салом бераман. Бу менга, оиламизга отам Авазёз бувадан қолган ота мерос—муқаддас, табаррук мулк. Хива яқинидаги «Гужа» қишлоғида отамга ҳеч ким биринчи бўлиб салом беролмаган, ҳатто ўзаро баҳслашиб, бекиниб келсалар ҳам отам дарҳол ўгрилиб, "Ассалому алайкум», деганлар. Отам бизга ҳар доим: «Тангри саломини беришни унутманг, савоб бўлади», дердилар. Жойлари жаннатда бўлсин.

Миллатнинг маданиятини кўрсатадиган, маънавиятини улуғлайдиган, ҳар тонгдан Оллоҳ инъом этган қуёшли кунга раҳматлар айтиб, ихлосу эътиқод ила Тангрининг саломини бериб ташлаган қадамингиз ҳамиша баракотли, бошлаган ҳар қандай ишингиз унумли бўлгай, омин...

**Комил АВАЗ, ёзувчи.**
**Урганч шаҳри.**

# ОДОБГА ЯШИРИНГАН ГАВҲАР

*Ҳаётнинг қувончли онлари*



Тўғон полвоннинг белини ҳеч ким бука олмаган. Ҳозирроқда унинг кенжа қизи Гулбаҳорга совчилар келишди. Совчилар ҳам шу маҳалладан. Улар бир пиёладан чой ичишгач, мақсадга кўчишди.

- Жиянимиз Абдужалилга Гулбаҳорнинг қўлини сўраб келдик, полвон тоға.

- Жуда улуғ иш бўлибди-да, - жавоб қилди Тўғон полвон. - Бўлмаса, қизимни бир кўрсанглар. Шунга қараб иш қилсак.

- Кўришнинг кераги йўқ, полвон тоға. Ҳар куни кўриб юрибмиз-ку.

- Ҳар куни кўрганларинг бошқа, ҳозир кўрганларинг бошқа, Гулбаҳор!

- Лаббай дада! - жавоб қилди Гулбаҳор.

- Қўйларга ўт ташлаб қўй, қизим.

- Хўп, дада!

Гулбаҳор уялиб-қимтиниб, меҳмонларга салом берди-да, хиёл оқсоқланиб қадам босганича, бостирма томонга ўтиб кетди. Бир оздан сўнг Тўғон полвон яна Гулбаҳорни йўқлади.

- Аянгдан хабар олиб қўй, қизим.

Гулбаҳор худди олдингидек қадам ташлаб, уй томонга ўтди. Тўғон полвон меҳмонларга юзланди.

- Ана энди сизлар жиндай мулоҳаза қилиб олинглар. Мен кампирим билан маслаҳатлашиб чиқай.

Совчилар полвон тоғанинг бундай тутумини тушуниша олмай лол эдилар. Бу пайтда полвон тоға бетоб кампири ёнида чўккалаб олган эди:

- Нима дейсан, аяси, Гулбаҳорнинг қўлини сўраб келишибди?

- Нима дердим. Абдужамил билан бир-бирларига кўнгли бор экан... Қизингиз бугун совчилар келишини биларкан...

- Унда нега олдинроқ бизга айтиб қўймабди?

- Охирги дақиқада фикрлари ўзгариб қолишидан чўчиганга ўхшайди.

У ҳам аслида совчилар Гулбаҳорнинг оқсаб қадам босишини кўришгандан кейин фикрлари ўзгариб қолишиям мумкин, дея атайлаб уларни ҳоли қолдирганди.

Тўғон полвон совчиларнинг олдига қайтиб чиқди.

- Розилик бермагунингизча қутилмайсиз, полвон тоға... - меҳмонларнинг қарори қатъий эди.

Совчилар хурсанд бўлиб қайтишди. Лекин уйда уларни бошқа можаро кутиб турган экан. Абдужалилнинг Саратов шаҳрига тижоратга кетиб, олти ой деганда қайтган аммаси хурсандчиликнинг белига тепди.

- Институтни битирган бўлсанг, энди ўша чўлоққа уйланасанми?

- Чўлоқ эмас, жиндай оқсаб босади холос, амма, - жавоб қилди Абдужалил.

- У билан бир умр қандай яшайсан? Отаси пулдорроқ бўлгандаям бошқа гап эди. Ҳалиям бўлса тўхтат! Ўзим сенга ойдайини топиб бераман.

Аммо муҳаббат бошқа нарса экан. Абдужалилнинг аммаси аввалига уни сеҳр-жоду қилишган бўлса керак, бир-икки йилда кўнгли совиб ажрашиб кетади, деган хаёлга борганди.

Йўқ, ундай бўлмади. Тўғон полвоннинг қизи ўзининг одоби, ақл-фаросати билан бутун маҳаллани, ҳатто амманинг ўзиниям лол қилди. Тўрт фарзандли бўлганида, институтни сиртдан ўқиб битирди. Ҳозир бутун туманга машҳур бўлган мактабнинг директори, намунали оила бекаси. Одоб, ақл-фаросат замирида ҳамиша бахт-саодат гавҳари яширинган бўларкан.

**Комилжон НИШОНОВ**

*Қўнғироқларингиз...*

# «Турмушимни лойқалаган аёл»...

- Мен бошимдан ўтган ушбу оғир кунларни, эримга, айниқса ўша беномус аёл ва унинг ота-онасига бўлган нафратимни "Дил изҳори" қилиб ёзмоқчи бўлдим. Лекин сиз, мухбирлар каби келиштириб ёзолмаслигимдан чўчиб қўнғироқ қиляпман, деди навбатдаги қўнғироқ соҳибаси. Илтимос, шундай ёзингки, бошқа бир оила менинг турмушим каби лойқаланмасин. Кечинмаларим баён қилинган сатрларни ўқиган номардликка қадам қўяётган яна бир эркакни ҳам, гуноҳга ботаётган аёлни ҳам чуқур ўйлашга мажбур қилсин.

**- Анча асабийсиз. Тушунишимча, эрингизнинг хиёнати туфайли оилангиз бузилиб кетган, шундайми?**

- Оилам бузилгани йўқ. Аммо кўнглим ойнаси дарз кетди. Анча вақтдан бери хўжайинимнинг ўзгариб қолганини сезиб юрардим. Ҳеч бир сабабсиз жанжал чиқарадиган, болаларимга ҳам бақир-чақир қиладиган бўлиб қолганди. Ҳар қанча ҳаракат қилсам ҳам унинг кўнглини тополмайдиган бўлиб қолгандим. Қўл телефонига қўнғироқ бўлса, "Ҳали ўзим телефон қиламан", ёки "Бошқа жойга тушдингиз", деган калта жавоблар билан кўнглимда шубҳа уйғотарди. Шундай кунларнинг бирида уйдан хат топиб олдим. Бу эрим уйланмоқчи бўлган аёлнинг хати эди. Ўзимни йўқотиб қўйдим, шифохонага олиб кетишди. Шунчалик таъсирланганимдан дорилар ҳам кор қилмади. Дўхтирлар фақат осойишталик керак дегандан кейин, болаларимни олиб отамнинг уйига кетдим. Бу воқеага қайнонам ҳам қаттиқ қайғурди. Чунки биз жуда иноқ эдик. Кейин эрим ортимдан қайта-қайта узр сўраб борди. Қайнонамнинг ҳурмати учун оиламга қайтдим, аммо бир йилга яқин вақт ўтсада ҳамон оилада олдинги муҳит йўқ.

**- Хатда нималар ёзилган экан?**

- Фаҳмлашимча, у аёл 25 ёшли бир боласи билан эридан ажрашган экан. Менинг турмуш ўртоғим уни никоҳига



олиб яшамоқчи бўлган. Хатда, "Ҳар доим менинг ёнимда бўлишингизни, сиздан фарзанд кўришни, боламни ҳам ўз болаларингиздек кўришингизни истайман",- деган сатрлар бор. Кейин мен бу хатни нусхалатиб олдимда, қайнонамга бердим, "Ўғлингизга беринг, мен уни кўришни ҳам истамайман, қалбим чил-чил синди",- дедим. Кейин у аёлга телефон қилдим. Ўзи билан ҳам, онаси билан ҳам суҳбатлашдим. Улар эрим мендан жуда нолиганини айтишди. Шунда, "Хўп у мени ёмонлабди, сен унинг гаплари ростми ёки ёлғонлигини ўйлаб кўрмадингми, мени айблаган одам бир куни сендан ҳам нолиши турган гап-ку ахир",- десам. Онаси "Бир гапида хотиним онам билан яхши чиқишади, онам доим унинг ёнини олади деганди", дейди. "Ахир қайнонаси яхши деган аёл ёмон бўлмаса керак, деган фикр келмадими хаёлингизга",- дедим онасининг гапига тутоқиб.

**- У аёлнинг телефон рақамини қандай топдингиз.**

- Хатни топганимдан кейин эримнинг қўл телефонидан рақамларни олиб, бирма-бир қўнғироқ қилиб аниқладим.

**-Нечта фарзандингиз бор, уларнинг бу ҳолатдан хабари борми?**

- Учта, каттаси ўн олтида, уларга асло билдирмадим, чунки бу уларнинг тарбиясига таъсир қилиши ёки адаларидан нафратланиб қолиши мумкин.

**- Тўғри қилибсиз.**

- Ўша Маъсудага айтмоқчи бўлган бир-икки оғиз гапим бор эди. Билишимча, уни эрим никоҳига олмоқчи бўлган экан. Шариатда биринчи аёлнинг розилиги билангина бўлган никоҳ ҳақиқий ҳисобланади. Шу маънода чаласавод, дилларида диннни мас пулни севадиган муллачаларга ҳам эътирозим бор. Бу ҳолатдан ўша жувоннинг ота-онаси ҳам хабардор бўлган. Ваҳоланки хўжайиним унинг отасидан бор-йўғи 2-3 ёш кичик бўлган. Наҳотки номард ота ўзи тенги одамга қизини қўшиб қўймоқчи бўлган. Шунингдек улар менинг ўрнимга қизларини қўйиб кўрсин-чи, раво кўрармикан... Яна улар номозхон экан. Буни қандай тушуниш мумкин, ахир исломда чумчуқнинг ини ҳам бузилмасин, деган-ку.

**- Энди у аёл сизнинг оилангизни тинч қўйдими?**

Ҳа, эшитишимча кимгадир тегиб кетганмиш. Лекин у хатида эримни севаман деб ёзган эди. Севса бир пасда яна бошқани деб кетармиди. Йўқ, у эримни эмас, унинг пулларини севган. Чунки болаларимнинг адаси Маъсудага барча шароитларни муҳайё қилишни ваъда қилган экан. Ахир бу харажатлар болаларимнинг ризқи-ку. Кўз очиб кўрганим, оиламнинг поклигига ҳаром аралаштириб, мени ўша беномусга алмаштирган инсон бу ҳақда ўйлаб кўрганмикан. Эрга тегиб кетганини эшитиб, яна қайсидир оилани бахтини лойқаламаганмикан, мен каби бир аёлнинг дили вайрон бўлмадимикан, деган ўйга бордим.

**- Муҳими, оилангизни сақлаб қолибсиз. Энди асабийлашишнинг кераги йўқ. Эрингизнинг ҳам кўзи очилгандир. Сув ҳам бир лойқаланиб тинади-ку.**

- Раҳмат, фақат илтимос мақолани албатта ёзинг мен газетани ўша аёлга ўқитишга ҳаракат қиламан. У ўқиб ўз аксини кўради.

**М. ШУКУРОВА**

# БОЛАМНИ САҚЛАБ ҚОЛИШДИ...

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- Мен Шайҳонтоҳур туманидаги "Қизил Шарқ" маҳалласида яшайдиган Дилором Исҳоқова бўламан. Тўрт нафар фарзанднинг онасиман. Баъзилар дунёда яхши инсонлар борлигига ишонишмайди. Мен ва оиламиз аъзолари эса меҳридарё бир инсоннинг мурувввати билан бахтли, тинч ва хотиржам яшаяпмиз. У кишига ўз миннатдорчилигимизни билдириш учун бу ерга келдим. "Оила ва жамият" газетасини ҳамма ўқийди,-дея сўз бошлади хонамга кириб келган аёл.

**- Мурувватли инсонларнинг кўплиги яхши. Сизга у киши қандай ёрдам қилди?**

- 2001 йилда беш ярим ойлик қизим Хумора бетоб бўлиб қолди. Оғир аҳволда Шайҳонтоҳур туманидаги кардио-ревмотология касалхонасига тушиб қолдик. Шу ердаги Зойиржон Маъмуров деган шифокор биздан ҳар куни хабар олар, иложи борича қизимга ёрдам кўрсатарди.

Бир куни нима бўлди-ю, тўсатдан қизимнинг аҳволи оғирлашиб қолди. Унга тезлик билан қон қуйиш керак экан. Аксига олиб, қизимга тўғри келадиган қон ҳеч қаерда йўқ экан. Эрим эса ишда, унинг ишхонасига боришни ҳам билмасдим. Агар зудлик билан тўғри келадиган қон топилиб, боламга қуйилмаса тез орада ундан айрилиб қолишимиз аниқ эди.

**- Қон топилдими ишқилиб?**

- Ҳа, Хуморагинамнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокор Зойиржон Маъмуров икки марта ўз қонини берди. Бахтимизга унинг қони текширилганда гуруҳи тўғри келиб қолди. Мен эса бу пайтда аллақачон боламдан умидимни узиб қўйгандим. Кўзмунчоқдеккина, ширин қизалоғимни йўқотишдан ваҳимага тушиб ўзимни билмай қолганман ўшанда. Кўзимни очганимда эса у анчагина ўзига келиб қолганди.

**- Қизингизнинг соғлиғи ҳозир яхшими?**

- Албатта, унинг томирида меҳрибон шифокорнинг қони ҳам оқаётганидан хурсандман. Мен унга қайта-қайта бу воқеани айтиб бераман, баъзан ўша шифокорга олиб бориб кўрсатиб ҳам келаман.

**- Хумoрадан бошқа фарзандларингиз ҳам борми?**

- Худойимнинг марҳамати билан эгизак Ҳасан-Ҳусан ўғиллар кўрдим. Энг қизиғи шундаки, улар бир гал бетобланиб қолишганда шифокорга кўрсатгани олиб бордим. Қабулга кирсам ўша, Зойиржон ака ўтирган эканлар. Жуда хурсанд бўлдим. У эгизак фарзандларимни яхшилаб текшириб, ташҳис қўйиб берди.

Эҳтимол сиз: "Шифокор қон берган бўлса берибди-да, шунга шунчаликми?"-деб ўйларсиз? Лекин мен ҳаётим давомида ҳатто, ўзининг туққан онасига ҳам қонини бермаган фарзандларни кўрганман. Гап унинг шифокорлик вазифаси, бурчида эмас. Балки, ҳар бир инсоннинг қалби тубидаги меҳр-муҳаббатида экан. Агар ўша куни меҳридарё шифокор ўрнига бирорта лоқайд, ўзгалар ҳаётига қилча ачинмайдиган бошқаси бўлганда нима бўларди? Илоё ҳеч кимнинг фарзанди касал бўлмасин. Бизнинг ўша кунлардаги аҳволимиз эру хотин ичкарига киришга юрагимиз бетламасдан, дераза остида қон йиғлаб ўтирган пайтларимиз ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Ўша шифокорга қандай қилиб миннатдорчилик билдиришни билмай юрардик. Яхшиямки, газетага ҳар йили обуна бўламиз. Пайшанба куни газетанинг навбатдаги сонини олиб ўқий бошладим. Ана шунда бу инсон ҳақида газета ходимларига гапириб бериш фикри туғилди. Газетадан мўътабар, муқаддас минбар йўқ. Чунки, ўзим ҳам ЎзМУнинг журналистика факультетини тугатганман. Аммо, тақдир тақозоси билан ишлай олмадим. Уйда болаларимни тарбиялаб, рўзғор ишлари билан банд бўлиб юрибман. Энг муҳими фарзандларим, турмуш ўртоғим соғ бўлишса бас. Кўпинча одамлардан шифокорларнинг совуққонлиги, лоқайдлиги ҳақидаги гапларни эшитаман. Ваҳоланки, ҳамма бирдек эмас.

Қўли енгил бундай шифокорлар нафақат бизнинг, балки, барча юртдошларимиз бахтига соғ бўлишсин.

**Дилоромхон ўз ташаккурини газета орқали айтишни маъқул кўрибди. Эҳтимол, бу шифокор Зойиржон Маъмуров учун энг катта шарафдир. Ахир, "Олтин олма, дуо ол", дейишган.**

**ГУЛБАШАКАР**

# СЕВГИСИ АРМОН БЎЛМАСИН

Хонага кириб келган йигит ўзини Нодирбек деб таништирди. Келбати жуда келишган, кўзлари мовийроқ, бир қарашдан ҳар қандай қизни ўзига қарата оладиган бу йигит Самарқанднинг Ургут туманидан экан.

- Бундан тўрт йил олдин Тошкентга олий ўқув юртига кириш учун келгандим,-дея тортинибгина сўз бошлади йигит. Сиртдан ўқийман, ҳам ишлайман. Яшаш учун уйим бор, маош оламан, қисқаси ҳамма шароитим етарли. Аммо ... Биласизми, ўзимдан тўрт ёш катта тошкентлик қизни севиб қолганман. Севара ҳам мени жонидан ортиқ кўради. Фақат ... (йигит бироз жим қолади).

**- Севганингиз тошкентлик бўлгани ёки сиздан катталиги учун ота-онангиз уйланишингизга қарши. Шундайми?**

- Йўқ, менинг отам ўтиб кетган, онам эса қайда бўлсанг ҳам бахтли бўлсанг бас, дейди. Аммо Севаранинг ота-онаси норози. Мен уларга ҳар қанақа йўл билан тушунтиришга уриндим, фойдаси бўлмади. Бошида: "Ёшингиз кичик, эрта бир кун ёшроғини топиб оласиз", дейишди. Мен: "Ёшроғи билан эмас, айнан сизнинг қизингиз билан бахтли бўламан", дедим. Кейин улар: "Ўз юртингиздан уйланинг", дейишди. Мен эса: "Ахир мен чет эллик эмасман-ку, давлатимиз, миллатимиз, еримиз бир-ку. Қолаверса мен Тошкентда яшайман", дедим. Энди эса, Тожикистон билан чегарадош жойда яшаркансиз, террорчилар ҳужум қилишидан қўрқамиз, қизимизни хавотирга қўйишни хоҳламаймиз, дейишаяпти. Наҳотки улар "Қирқ йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади", деган мақолни билишмаса.

**- Тўғри, тақдирдаги бўлади. Қизнинг ота-онаси балки бу гапларни бир баҳона қилишаётгандир. Нодирбек, ҳали бор йўғи йигирма бирга кирибсиз. Бу ёшда ҳиссиётлар ақлдан устунлик қилади. Ҳаёт, турмуш, оила сиз ўйлаганчалик осон кечмайди. Ўша ота-оналар сиздан кўра тажрибалироқ бўлгани учун балки шу йўлни тутишаётгандир. Ахир Тошкентнинг урф-одати, Ургутникига тўғри келмайди. Шулар ҳақида чуқур ўйладингизми?**

- Биламан, ҳаммасини ўйладим. Мен улар ниманики хоҳласа шуни қилишга тайёрлигимни айтдим. Аммо ота-онаси қизига уйдан чиқишни ҳам таъқиқлаб қўйган.

**- Севгилингиз йигирма беш ёшда экан, одатда тошкентликлар бу ёшда қизни "ўтириб қолган" ҳисоблашади. Шу пайтгача нега турмушга бериб юборишмаган экан?**

- Ота-онасига қолса, аллақачон тегиб кетарди. Аммо Севара мендан бошқасини демагани учун совчи қўйган йигитлар билан учрашиб, кўнгли бошқадалигини айтаяпти. Уйидагилари эса эрта бир кун совчилар ҳам келмай қўйгач нима бўлишини ўйлашмаяпти.

**-Ҳали яна бошқа бир қизни севиб қоларсиз, балки бир кун келиб бу аҳволингизни эслаб кулиб юрарсиз. Ахир ҳаётда севмай уйланиб бахтли бўлганлар камми?**

- Тўғри, бу ҳаёт. Лекин бир умр армонда қолишни истамайман. Севганимга эришсам, қандай қийинчиликлар бўлса ҳам чидайман.

**- Бу ўктам йигит ўз фикрида қатъий туриб хонадан чиқиб кетар экан, тўғриси ҳавасим келди. Ўша севилган қизнинг ота-онасига: Нодирбек ёш бўлсада дипломга, уй-жойга, ишга эга, ўқимишли, дунёқараши кенг, қолаверса куёвинг қани деса мана дегулик кўркам йигит экан. Қизингизни берсангиз шундай йигитга берасиз-да. Бу ҳақда чуқур ўйлаб кўринг" - дегим келди.**

**МАТЛУБА**

# Икки хотин олганнинг вайрони бор

Адашган, хато қилиб қўйган, жазосини тортаётган, уч нафар фарзанднинг онаси А.аканинг меҳр-муруввагини кўриб, кундошликка ийиб кетганингизни билмай қолибсиз. Эндиликда кундошликнинг кўнгилсиз оқибатларини жабрини тортаяпсиз.

***Зар девору, зар девор,***
***Зар деворнинг гарди бор.***
***Юрагимнинг бошида,***
***Кундошликнинг дарди бор,*** - деб хиргойи қилишга тўғри келаяпти. Яна айтадиган бўлсак, масжидда никоҳ ўқиттириб катта хатога йўл қўйгансиз. Тинч ҳаётингизни парокандага учратгансиз. Бунинг устига кундошингиз хабар топиб, уйингизга келиб, роса жанжал ҳам қилган. Кундошдан қочиб қутулиб бўлармиди?

"Илтимос, кундошимга айтинг, мени тинч қўйсин", - дея "Оила ва жамият"-дан умид қилаяпсиз. Севимли газетангиз-ку сизга тўғри йўл кўрсатишга тайёр. Сиз бунга қандай қарайсиз?

"Икки кундош бир бўлса кунда уруш бошлайди", - деган ҳақиқатдан қочмоққа чоғланибсиз. Ёвузликни йўлини ўзингиз тўсмоқчи ҳам бўлибсиз. Наҳотки эшикдан кундош кирса тешикдан уруш киришидан, кундошлик - ўткир икки учлик калтак эканлигидан бехабарсиз.

Ҳали вужудга келмаган, ҳатто вужудга келиши даргумон бўлган нарсаларни орзуловчи хаёлпараст сингари "чиқмаган буғдойга - ўтмаган ўроқ" тайёрлаб юрган бўлсангиз. "Кундошлик - кўнгилғашлик" эканлигини била туриб, ихтиёрий шу йўлни танлабсизда. Одатда, кундошлар бир-бирларини кўролмайдилар, бир-бирига нисбатан "кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ", бир-бирини емоқда-ичмоқда бўлиб юришади. Имкон туғилди дегунча, ёвузлик-душманлик ниятларини амалга оширадилар, ҳатто бир-бирига заҳар бериб ўлдиришгача бориб етадилар. Кумуш билан Зайнаб фожеасини Қодирий тасвирида эсланг...

Кундошлик — моҳият эътибори билан кунда-кунда юмдошлик яъни юмдалашлик. Кундош — бошингда тош, кўзингда ёш. Кундошлик дардини чинакам тортганлар "кундошинг бўлса бўлсин, кундошваччанг бўлмасин", деб оғринадилар. Кундошлар айниқса кундошваччани кўргани кўзлари йўқ бўлади. 3 нафар фарзандингизни кундошлик ғазабидан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Кундош билан бўладиган жанжаллар етмаганидек, кундошвачча билан ҳам муомала қилиш зарур бўлади. Кундош кундошининг боласига куюк кулчани ҳам раво кўрмайди. Сиз эса мурувватдан умидвор бўлиб ўтирибсиз. ***"Беш бола устига бор, кундош устига борма",*** деган ҳикматдан хабарингиз йўқ экан-да. Кундошлик уйда тўзим яъни чидам-бардош бўлмаганлиги камлик қиладигандай, кундошлар бир-бирлари билан уришмай, жанжаллашмай, тинчгина ўтира олмайдилар. Чунки кундошликка кун туғмас, кун туғса ҳам бутун туғмас.

Йўл қўйган камчилигингиз, етишмовчилигингиз, бошингиздан ўтганлардан ўкиниб, куюниб, хафа бўлиб, халоскор санаб "Оила ва жамият"га мурожаат қилибсиз. Сизга тасалли бериш баробарида "Дунёники — мири кам икки" деб юпатгимиз келди. Газета номидан шуни таъкидламоқчимиз-ки, оилавий ҳаётда дилни дилга боғлайдиган, кишиларни бир-бирига қовуштирадиган, ўзаро муносабатни мустаҳкамлайдиган нарса — яхши сўз, яхши муомала, ширинсуханликдир. "Тилини билсанг дилига йўл топасан", - деб бежиз айтилмаган. Дилни дилга тил қовуштиради. Уч болани катта қилиш осон эмас. Бунинг учун сув келса симириб, тош келса кемириш талаб этилади. Бошингизда баркаш, елкангизда обкаш кўтараётганингизга ишонамиз. Қарғаликка қоқитмай, чумчуқликка чўқитмай кўзимни нури, белимни қуввати, катта бўлганда таянчим, суянчиғим бўлади, деб болаларга жон нисор этаяпсиз. Илоё, ниятингизга етказсин. Бола-бола бўлгунча она момо бўлади. Уёғи ниятингизга боғлиқ.

Фарзандлари уйли-жойли, бир неча набирали, тадбиркор А.ака!

Муҳтож аёлга раҳмингиз келиб, ўз гуруҳингизга олиб иш ўргатибсиз. Аёлни аҳволи анча-мунча яхши томонга ўзгарибди ҳам. Доно халқимиз бундай ҳолларда: **"Яхшилик қил, дарёга от", "Ўнг қўлинг берсин, чап қўлинг билмасин", "Яхшилик қил уйингга айтма", "Яхшиликни дарёга қил, биёбондан топ", "Ғараз билан қилинган яхшиликнинг ёмонликдан фарқи йўқ",** - дейди.




Халқимизнинг бир туркум мақолларида айни бир вақтда икки ва ундан ортиқ хотин олган киши тинч-тотув яшолмаслиги, унинг нотинч ва ноқулай аҳволга тушиб қолиши афсус-надоматлар билан уқтирилади.

***"Икки сигир соққаннинг айрони бор,***
***Икки хотин олганнинг вайрони бор",***

- деб бундай инсонийлик чегарасидан чиқиб кетадиган, ярамас одатли шахсларни қоралайди, масхара қилади. Бир хотинлик баъзан жанжал, гап талашиш, хархашага қолса, икки хотини бор одам кўрадиган кунини кўради.

***"Бир хотинлик истеҳзога қолар,***
***Икки хотинлик очдан ўлар"***

Бир хотини бор киши баъзан у билан жанжаллашиши, ади-бади айтишиши мумкин. Эр-хотиннинг уриши - дока рўмолнинг қуриши. Аммо икки хотини бор одам, у хотинини кўнглини оламан деб, бу хотинини кўнглини оламан деб топган-тутганини уларга сарфлаб, ўзи хароб бўлади. "Эшак минганнинг оёғи тинмас, қўш хотиннинг қулоғи тинмас". Кўриб турганингиздек, икки хотинликни ғалва-жанжалидан бўшамайдиган қулоғи - эшак минган одамнинг эшакни юришга қистаб, ҳамиша унинг қорнига, биқинига ниқтаб, ҳаракатдан бўшамайдиган оёғига ташбеҳ этилган. А.ака бир куни ёрдамингизга муҳтож бўлган аёлга, агар у хоҳласа, никоҳингизга олишингизни, болаларини боқишига ҳам ёрдам беришингизни айтибсиз. Бунда икки хотин ҳамиша - ҳар кун жанжаллашишини, бир-бирлари билан сира ҳам чиқиша олмаслигини унутибсиз-да. Икки хотинлик киши икки юзлик бўлиши хаёлингизга келмабди-да. Агар билсангиз, у хотинга бир гапириб, бу хотинга бир гапириб, ўртада икки юзли, субутсиз бўлиб қолишдан ёмони йўқ. Яна мақол билан изоҳ берадиган бўлсак, **"Икки хотин олибсан - бир балога қолибсан". "Икки қилич бир қинга сиғмас, икки севги бир кўнгилга сиғмас".** Икки оёқ бир этикка сиғмаганидек, икки севги ҳам бир юракдан жой тополмас. Дарҳақиқат, ўтиннинг яхшиси янтоқ, хотиннинг яхшиси қалмоқ, қайси номарднинг иши ёр устига ёр олмоқ?!.

Қулоғингизга айтадиган беғараз сўз: икки юзламачи одам ўз манфаати йўлида бир-бирига рақиб бўлган икки томонга ҳам махфий равишда хизмат қилса, тез орада бу сир ошкор бўлади, унинг шармандаси чиқади, ҳатто ҳалокатга учрайди. Бирданига икки ишнинг кетини тутибсиз, бундай қилманг, иккаласини ҳам уддасидан чиқа олмайсиз. Иккала иш ҳам ўлда-жўлда, чала-чулпа бўлиб қолиб кетади. Оқибатда сарфланган вақт ҳам, қилинган ҳаракат ҳам зое кетади. Билъакс, иккала ишнинг ҳам қаловини топа олган тақдирингизда марра сизники бўлиши мумкин.

Муҳтарам А.ака! Ёмон уялиб, қизариб шармандангиз чиқибди. Бениҳоя ноқулай аҳволга тушиб, кўзингизни ва ўзингизни олиб қочишга жой тополмай қолибсиз. Агар сизга оғир ботса ҳам яна бир мақолни эслатай. **"Уят - ўлимдан қаттиқ", "Оқар сувни тўхтагани - тингани, эр йигитнинг уялгани ўлгани", "Қуённи қамиш ўлдирар, эрни-номус".** Номус ҳамма нарсадан - ҳатто ўлимдан ҳам кучли. Инсон номусининг букилгани, унинг ўлгани билан баробар. **"Не ёмон -ор-номус ёмон", "Юз-юзга тушар, уят-ичга".** Уят, хижолат кишини руҳан қаттиқ эзади, бунда киши ич-ичини еб юборади. Номусни йўқотгандан бошни йўқотган яхши.

***"Калтакнинг икки учи",***
***29-сон***

**ЭСЛАТМА: Эрим вафот этиб бир этак бола билан тул қолдим. Қийналиб юрганимда бир эр-хотин ўз ҳомийлигига олди. Қўлим пул кўрди. Кейин эса ўша эркак мени никоҳига олди. Аммо ўзимга яқинлаштирмадим. Энди хотини жанжал қилиб юрибди. Гўёки бу ишда мен айбдордек. Айтинг мени тинч қўйишсин.**

**Муаллиф: С. ФАХРИДДИНОВА.**

А.аканинг хотинига: йилнинг баҳорини севган киши қишини ҳам ўйлаши керак. "Парда" орасида бўлса ҳам таъкидлайлик. Маъшуқани ёшлигида севган киши қариганида ҳам севиши, азалий севгисига содиқ бўлиб қолиши керак. Эркакнинг гапи битта бўлиши керак. Суюкли адибимиз Абдулла Қаҳҳор ён дафтаридаги ёзувга кўра, **"Муҳаббат - дутор, эҳтиёт қилиб тутмасанг, тоб ташлайди".** Биз ўз навбатида "Ишқи борнинг имони бор", деб эслатмоқчимиз.

Бу кўрган оғир кунларингиз орқангизда қолсин, қайтиб келмасин, келажагингиз порлоқ бўлсин демоқчимиз.

Уччалаларингиздан ҳам камчилик ўтибди. Киши йўл қўйган хато ва камчиликларини тезда тузатиш ҳаракатида бўлмоғи зарур. **"Инсон хатодан ҳоли эмас", "Билимсиздан ҳам бир иш ўтар, билимлидан ҳам бир иш ўтар", "Хатосиз мерган бўлмас".** Агар адашганларингизни, янглишганларингизни сиз ёқтирган газета "Оила ва жамият" айтса, ундан хафа бўлиб ҳам, кўнгилларингизга қаттиқ ҳам олиб юрманглар. Чунки кишининг янглишганини, хатога йўл қўйганини ўзидан кўра атрофдагилар тезроқ ва аниқроқ кўрадилар, пайқай оладилар. Шунинг учун уларни айтганини назар-эътиборга олиб, камчиликларингизни тузатишга ҳаракат қилсаларингиз олам гулистон.

Дарҳақиқат, адашганни айби йўқ, сўраб йўлини топса, очилганнинг айби йўқ, билиб этагин ёпса. Кишининг янглишгани-қоқилгани, янглишганни тузатмаса йиқилгани. Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир.

Адашган, хато қилиб жазосини тортаётган аёл, болаларига ёрдам бериш умидида А. ака билан шериклик иш қилиб, ўзаро битишолмай юрган аёл! Авваламбор, биров билан шериклашиб иш қилманг эди. Ҳамонки, шериклашибсизми, энди чиданг, аразлашиб, жанжаллашиб, бировга ҳасрат қилиб, нолиб юрманг. Мушкул аҳволингизни кўриб, оғир дамларни бошингиздан кечираётганингизга ачиниб, **"Тўкилмаган ким бор, сўкилмаған ким бор?"** - деб тасалли бергимиз келди, юпатишни лозим билдик, сабр-тоқатга ундаймиз. Янглишиб, хатога йўл қўйиб, сурингангингиз ҳаққи-ҳурмати, кўрган зиён-захматингиз, мушкул аҳволингиз қайтиб келмасин. Тўрт оёқли от ҳам қоқилади, лекин сиз келажак порлоқ бўлишига умид боғлашингиз зарурлигини эслатмоқчимиз.

Яна шуниси муҳимки, бировга бош эгмай, ёрдам беришини сўраб, ялиниб-ёлвормасангиз ўз тирикчилигингизни ўз меҳнатингиз орқасида мустақил равишда кўришга ҳаракат қилсангиз, эл-юрт ўртасида хижолат тортмайсиз, юзингиз ёруғ, тилингиз узун бўлади. Дарвоқе, **"тилаб олинган тўн тиззага чиқмас, тилангандан кўра тилинган яхши",** дегувчилар минг баъд ҳақдир.

Ҳурматли А.ака. Дилингизда бошқа нарсани ўйлаб, тилингизда бошқа нарсани гапириб юрманг, айёр, муғомбир, тилёғламачи, ёлғончи, иккиюзламачи бўлиш ярамайди, бу Аллоҳга ёқмайди. Тўғри сўйлаш, ростгўй бўлиш фарзанд ва набираларингизнинг тилаги эканлигини яна бир марта эсингизга солмоқчимиз. Яна шуниси муҳимки, ростгўйлик барака келтиради. Никоҳга рози бўлган аёл, сизга ҳам айтадиган гапимиз чиқиб қолди.

**"Авваламбор мингашма, мингашгандан сўнг индашма".** Бу мақол бир отга мингашган икки киши ҳақида. Олдинги одам эгарга минади ва қулай ўтириб, қийналмай кетади. Мингашган кейинги одам эса эгарнинг орқасида ноқулай ўтириб, қийналиб кетади. Шериклик ишларини чидаганга чиқарган. Ҳар кимнинг қори-аъмоли болдан тотлиқ, ўтдан иссиқ, кундан ёруғ, момиқдан юмшоқ кўринади. Лекин адолат торозу учун шоҳу гадо баробар. Ҳар ким ўзи қилган ишига яраша ажрини олади. Яхши ишлар учун яхшилик кўради, ёмон ишлари учун ёмонлик кўради, таъзирини ейди, жазосини тортади.

***"Суймаганга суйканма баҳонг кетар,***
***Минг тиллолик бошингни бир пул этар".***

Эркак кишини жаннат боғидан олиб чиқиб кетган ҳам ва унинг ҳаётини жаннат ёки дўзахга айлантиришга қодир зот ҳам аёлдир. Шуни билган ҳолда муҳтарам А.ака сизнинг танловингиз икки ҳисса масъулроқдир. Одам Ато билан Момо Ҳаво жуда бахтли ҳаёт кечиришган, чунки у пайтлар боласини "бахтли" қилиш учун никоҳга рози бўладиган аёллар бўлмаган. А.ака, икки аёлни бир-бири билан олиштириб қўйиб, чеккадан томоша қилишингизга қараб, агар эркак киши ўзини ёмон ҳис этса аёл кишини қидиради. Агар жуда яхши ҳис этса яна янгиларини қидирар экан-да, деган хулосага келдик.

**Мерган БЎМАТОВ,**
**Самарқанд шаҳри.**

**(Давоми13-бетда).**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Суюкли набираларимиз ЮЛДУЗХОН ва БАХРОМЖОН!

Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин! Бизларнинг бахтимизга доимо соғ бўлинглар. Келгусида ҳамма ҳавас қиладиган, ақлли, одобли ва комил инсонлар бўлиб камолга етинглар.

Бувожон ва бувижонинглар.



Улуғ бадавлат дадажонимиз Тўйбой ТЎХТАЕВ!

Сизни 66 ёшингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз. Яхши тилакларимиз сизга. Бахтимизга омон бўлинг.

Қизларингиз Лола ва Лайло.



Қадрли АЛИШЕР ака!

Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга бахт, омад ҳамда омонлик тилайман.

Дўстларингиз номидан Мадина бону.



Укамиз АБРОРТОЙ!

Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин! Оилавий хотиржамлик, тинчлик-омонлик тилаймиз. Маҳсумаой билан қўша қариш саодати насиб айласин.

Яқинларингиз.



Укажоним Комилжон МАМАТҚУЛОВ!

Туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Инсон саломатлиги йўлида қилаётган эзгу ишларингизда зафарлар ёр бўлсин.

Ҳурмат ила опангиз Муҳаббатхон, синглингиз Ёқутхон.



Ҳурматли шоирамиз Фарида АФРЎЗ!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Сизга узоқ-умр, бахт-саодат, гўзаллик тилаймиз. Ижодингиз янада гуллаб-яшнайверсин.

Дўстларингиз.

Онажонимиз Хуршида РАУПОВА!

Сизни муборак 49 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Доимо дилбандларингиз бахтига омон бўлинг.

Фарзандларингиз Баҳодир, Нилуфар.



МАРЗИЯЖОН!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Сизга энг эзгу тилаклар билан дўстларингиз.

Гўзал, Алишер, Азамат.

ТошМИ талабалари.

Ҳурматли Кўчқор ҲАКИМОВ ва Анора АҲМЕДОВА!

Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Эзгу тилаклар сизларга ҳамроҳ бўлсин. Бахт-саодат, омонлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз.

Синфдошларингиз.

Суюкли жияним МИРВОҲИДЖОН!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Соғ бўлинг, узоқ ва тотли умр кўриб юринг! Келажакдаги орзуларингиз амалга ошсин.

Жиянингиз Юсуфжон.

Дадажонимиз Тўлқин ЮНУСОВ!

Сизни 48 ёшингиз билан қутлаймиз. Сизга узоқ-умр, бахт-саодат тилаймиз. Доимо онам билан бахтли ҳаёт кечириб, қўша-қариб юринглар. Биз сизни яхши кўрамиз.

Фарзандларингиз Шаҳноза, Дурдона, Ўткиржон.

# ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент Архитектура Қурилиш институти қошидаги

«БИЗНЕС МАКТАБ»

2005-2006 ўқув йилига танлов йўли билан кундузги ва сиртқи бўлимларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентлар қабул қилиш давом этмоқда.

+Архитектура; +Банк иши; +Дизайн ва Реклама; +Хўжалик ҳуқуқи; +Электрон тижорат; +Сервис (сервис турлари бўйича); +Информатика ва ахборот технологияси; +Молия; +Халқаро бизнес; +Туризм; +Газ ва сув таъминоти; +Маркетинг; +Фермер хўжаликларини бошқариш; +Таржимон референт; +Кадастр. Кўчмас мулкни баҳолаш; +Менежмент — бизнес бошқаруви; +Бухгалтерия ҳисоби ва аудит.

Ўқиш муддати кундузги бўлимда 2 йил, сиртқи бўлимда 2 йилу 8 ой. Бизнес мактабни битирганларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги таълимининг тегишли даражасини белгиловчи Давлат намунасидаги **"ДИПЛОМ"** берилади.

Бундан ташқари, юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича Олий ўқув юртларида бўладиган кириш имтихонларига тайёрланилади. Расм, ранг тасвир, чизмачилик, математика, физика, она тили ва адабиёт, инглиз тили, рус тили адабиёти фанларидан институтга кириш имтихонларига тайёргарлик "Бизнес мактаб" ўқув режаси графигида ҳисобга олинган. Ўқишни тамомлаган талабалар Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида юқори натижаларга эришмоқдалар.

**Қуйидаги хужжатлар топширилади:** **1.** Ариза. **2.** Ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси. **3.** 086/у кўринишидаги тиббиёт маълумотномаси. **4.** 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Навоий кўчаси 13, 2-бино, 2-қават, 226-хона, ТЕЛ: 398-81-86, 41-13-62. Транспортлар: авт: 28, 68, 91, 97, трол: 4, 10, 18. Навоий номли "Санъат саройи" бекати.**

**«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар туманларидаги «МАТБУОТ» киоскаларини хусусий тадбиркорлар ва фуқароларга шартнома асосида ижарага беради.**

**Маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўча, 2-уй. ТЕЛ: 133-12-53, 133-67-39.**

Тошкент Давлат педагогика институти томонидан **БАҲРОМОВА РАХБАР НИГМАНОВНА** номига 1982 йил 2 июльда берилган **ЖВ-1 №142313** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР қилинади.**

Утерян. гос.ордер № 06-01/3517 от 30.03.93 на имя **РАХМОНОВА НАИМА МУХАМАДАМИНОВНА** считат **НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНИМ.**

## ЎЗИНГНИКИ

*«Оила ва жамият» ўгитномаси*

Йигит бошинг бу дунёдан безса ёмон,
Юрагингни алам тоши эзса ёмон.
Хафа бўлиб кетдим ўзи ҳаётдан ҳам,
Ўзингники ўзагингни кесса ёмон.

Ярим кўнглинг яримлатар яқинларинг,
Кўзларингга наштар қадар яқинларинг,
Улар сенинг кўксингдаги қовоқаринг,
Ўзингники ўзагингни кесса ёмон.

Дўст деганинг қилса қадринг пистапўчоқ,
Юзларингда қайғу кўрса хурсанд шу чоқ,
Вужудингни иситолмас ҳатто ўчоқ,
Ўзингники ўзагингни кесса ёмон.

Ишонганинг ичингдаги илон бўлиб,
Суянганинг сўзи ёлғон ёрон бўлиб,
Ночорлигинг, ожизлигинг кўра-билиб,
Ўзингники ўзагингни кесса ёмон.

Хафа бўлиб кетдим ўзи ҳаётдан ҳам...

**Жасур ҲУСАНОВ,**
**ЎзМУ талабаси.**

## КЎЗИМ НУРГА ТЎЛДИ

### Миннатдорчилик

2004 йил охирида менинг кўзим кўриш қобилиятини йўқотди. Шу сабабли уни даволатиш учун Республика иқтисослаштирилган кўз микрохирургия касалхонасига бордим. У ерда кўзимни операция қилиш йўли билан даволаш кераклигини айтишди. 2005 йил апрел ойида операция бўлиб ўтди ва менинг кўзларим Хатира Саидова, Салимов Тўрабек, Мамирова Катя, Галимова Ноилахонларнинг маҳоратона меҳнати билан яна нурафшон бўлди.

Алимова Доно, Қурбанова Умида каби ҳамшираларнинг чин меҳрибонликларини ҳеч қачон унутмайман.

**Абдуқодир ЭГАМҚУЛОВ,**
**Тошкент вилояти, Юқори-Чирчиқ тумани, "Қизилсой" маҳалласи.**

## Хотира муқаддас



### САБР ЭТ,ОНА!

**(Ҳали чимилдиқ кўрмаган ўғли Шодмонбекни бериб қўйган Жонгил холамга айтолмаганларим...)**

*Фарзанднинг доғидан Ўзи асрасин,*
*Бу оғир синовдир, бу даҳшатли ғам.*
*Аллоҳга берганда жигарбандини*
*Кўз намлаган ҳатто сарвари олам.*

*Аммо тақдирдан ҳеч қочиб бўлмайди,*
*Ўзингни қўлга ол, сабр эт, она!*
*Бағримга босолмам, дея ўксима —*
*Жаннатда малаклар бўлсин парвона!*

*Фарзанд ҳам неъмати асли роббининг,*
*Бермоқ ҳам, олмоқ ҳам Аллоҳдан ахир.*
*Бандасига эса фарз этилмишдир*
*Неъматга шукрона, синовга сабр.*

*Ўзингни қийнама, кетган қайтмагай,*
*Чидагин, ажр бор сабр аҳлига.*
*Пайғамбари худо айтмишдур яна —*
*Фарёддан жабр бор қабр аҳлига.*

*Ўғлонинг пок эди, нур бўлиб кетди,*
*Сўроқлари енгил бўлсин, илойим.*
*Охиратда жойи жаннат бўлсину,*
*Қабри унинг нурга тўлсин, илойим!*

**Норбек ТОШНИЁЗ**

### Об-ҳаво маълумоти

Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Ғарбдан шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади, айрим жойларда 15-20 м/с.гача кучаяди. Ҳарорат асосан кечалари 13-18º, кундузи 20-25º бўлади.

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Гарчи ҳафта анча толиқтирса-да, омадингиз келади. Бошлиқларингиз назарига тушишингизга имконият пайдо бўлади.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Иш билан бўлиб оилангизни унутманг. Акс ҳолда келишмовчиликлар чиқиши эҳтимоли бор.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Таклиф этилган жойларга шу ҳафтада албатта боришингиз керак бўлади. Садоқатли дўстлар орттирасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Кутилмаган ютуқларга эришасиз. Рўзғорингиз учун қимматбаҳо мебеллар сотиб оласиз.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).**- Янги ишга ўтишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўринг. «Етти ўлчаб бир кес» деган мақолга қараб иш тутинг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Агар шу ҳафтада ишингиз юришмаса кўп қайғурманг. Яхшилаб дам олинг-да, сўнг ғайрат билан ишга киришинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Дўстларингиз билан учрашув кайфиятингизни кўтаради. Аммо, зарур ишларингизни ҳам унутиб қўйманг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Қўшимча иш таклиф этишади. Ўз кучингизга қараб иш тутсангиз рўзғорингиз янада бут бўлади.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Турли шубҳалар остида бироз қийналасиз. Аммо, худбинликка кўп ҳам берилманг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Иш жойингизда тартибга риоя қилинг. Зарур ҳужжатлар тўғрисида муаммо туғилиши мумкин.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).**- Елкангизга кўпроқ масъулият юкланади. Сиз ўз қобилиятингизни намойиш этишингиз керак. Бунга имконият туғилади.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Кўнглингизга қараб иш тутсангиз яна хатолар қиласиз. Атрофингиздагилардан ибрат олиб яшашга ўрганинг.

## УШБУ СКАНВОРД «ХАЗИНА» ГАЗЕТАСИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН

### ҚИЁМАТ ҲУКМИ

*Мен қози эмасман гуноҳ-*
*ажрингга,*
*Аллоҳ раҳм қилсин савоб*
*жабрингга.*
*Аъмолинг бад бўлса,*
*қиёмат куни,*
*Худонинг лаънати ёғар*
*қабрингга.*

### КОСИБ

*Бандасин яратмиш*
*дунё-и косиб,*
*Умрингни ўтказдинг*
*қай тарзда босиб?*
*Халқингнинг корига*
*ярадингми ҳеч -*
*Фарзанд бўлолдингми*
*юртга муносиб?*

Иситиш қурилмаси. Бақувват. Транспорт мойи. ... Меладзе. Негиз. Жўра. Шашка тури. Кичик қушча. Араб пули. Тарихий ибодатхона. Келин бисоти. Меланезия пул бирлиги. Тафт. Черков руҳонийси. Осиё давлати. Шовва. Малай. Ўсимлик бўёқ. Тонг. Қиялик. Обнинг чап ирмоғи. Уйдирма. Оила ва жамият. Эстрада гуруҳи. Бақалоқлар жанги. ... Вайкули. Хитой гимнастикаси. Кариб ден-гизоролла гуруҳи. "... Скала". Уруғ... ЖАРдаги дарё. Сув жонивори. Офат. Аҳоли яшаш жойи. Кавказдаги дарё. ... ангор. Бошоқдош ўсимлик. Байрам. Корхона. Мерган. Асл. Икки қўлнинг ораси. Куз. Попук. Авлод. ... ўрдакча. Олқиш. Автомат тури. ... Д.Арк. Моҳирлик. ... Жонс. Бошқарма. РФ да яшовчи халқ. Нерв. Китоблар мажмуаси. Ньютон. Ука. Қад. тўлов тури. Тақинчоқ. Тунги майда жонивор. Мушаклар тортишиши. Миршаб қуроли. Авто "кўзи". Оёқ қисми. Юнон мусиқа асбоби. К/х хизматчиси. ...Райҳон Беруний. Дона. Авто русуми. Келгинди. ... О'Даннель (акт). Чироқ. Бет. Фойда. Қабила. Битим. Натрий корбанат. Нақш. Зеб. Оила ва жамият. ... Бульба. Ишлар ... Ўқ. Уй қисми. Мевали дарахт. ... Каримова. "Гипноз" қўшиқ. Аҳамонийлар шоҳи. Кабоб таёғи. Ширин-нинг ёри. Реклама. Тамом. Кўтариш механизми. Микро авто-с. Шаҳар (Сам-д). ... Фаробий. Аёллар исми. Чора. Якутиядаги дарё. Атама. Ер ости ҳукмдори. Ос. Фисқу ... Марат .... Айрилиқ. И.Ибрагимов. Занги... Жанжал. Бегона ўт. Рус эстрада гуруҳи. Ўрмон паррандаси. Тўп узатиш. Алоқа. Касаллик. Самолёт русуми. Калтакесак тури. Жароҳат. Улан ... Р.Холиқов. Аёллар журнали. ... - анда.

### ҲАЁТ НАҚШИ

*Тириклик тафтида ҳаёт нақши бор,*
*Ёмон битта бўлса, мингта яхши бор.*
*Дунёга Ҳайёмдек кенгликни тила,*
*Ҳар битта кўнгилда битта бахши бор.*

### ТЎФОН

*Мудом ҳамроҳимиз шодлик ила ғам,*
*Дунёнинг ҳикмати иккисида жам.*
*Тириклик баҳрида ўшал бахтлидир -*
*Шу икки тўфонни енголган одам!*

### ЯРАТГАН АМРИ

*Кимса шифо топар баъзан заҳардан,*
*Қочсанг қутулмассан келган ажалдан.*
*Амридан ташқари ким бахт топибди -*
*Жаннатдан ҳайдалиб келган маҳалдан.*

### АДАШГАН БАНДА

*Ким сени дўст деса,*
*бағрингни очдинг,*
*Бисотда неки бор,*
*борингни сочдинг.*
*Бугун амалинг йўқ, дўст*
*ҳам кўринмас -*
*Майдонни тарк этиб*
*ўзинг ҳам қочдинг!*

### ТИРИКЛИК

*Ҳаётдан кўп сабоқ*
*тингладим, дединг,*
*Нафсимнинг жиловин*
*тангладим, дединг.*
*Сабрдан тўн кийдим,*
*қадрдан - белбоғ -*
*Тириклик нелигин*
*англадим, дединг.*

**Исматулло ЙЎЛДОШЕВ**

## ШАНБА 20

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

***Ватан мустақиллиги муқаддасдир. Унинг озодлиги учун аждодларимиз жонини тиккан. Ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаган, тупроғи олтинга тенг шу она заминимизда. яшаётган, ўзига бек бўлган бугунги авлодлар ҳам буюк келажак ишқида меҳнат қилмоқда.***

***Бугун "Ватан мустақиллиги муқаддасдир" деб номланган телемарафонимиздан ўрин олган ҳар қаричи муқаддас бўлган она Ватанни ўз меҳнатлари билан улуғлаётган, шарафлаётган, яратувчилик ва бунёдкорлик кундалик турмуш тарзига айланиб қолган, юрт манфаатини ҳар нарсадан улуғ деб билгувчи, ҳар нарсадан устун қўйгувчи юртдошларимиз ҳақидаги туркум кўрсатув ва лавҳалар, мамлакатимизнинг турли нуқталаридан бевосита эфирга узатиладиган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган. юртдошларимизнинг дил изҳорлари акс этган репортажлар, Ватан сарҳадини зийраклик билан қўриқлаётган чегарачиларимиз ҳақидаги "Остона" фильми, ижодида шу муқаддас тупроқни улуғлаган шоирлар, хонишида элу юртини тараннум этган ҳофизларнинг кўнгил тароналари, хуллас барча-барчаси сиз учун!.***

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури.
8.00 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.20 Мафтунингман, диёрим!
8.25 Иқлим.
8.30 Давр.
9.00, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.
9.05 «Эсмеральда". Телесериал.
9.35 Табобат оламида.
10.00 Ватанпарвар.
11.00 Давр мавзуси.
11.15 Бола тилидан.
11.45 «Маҳобҳорат". Телесериал.
12.30 Кутилмаган меҳмон.
12.55 «Уйимдаги бегона". Бадиий фильм.
14.45 Интерфутбол.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: Билағон маслахати.
16.50 "Мульттомоша".
17.05 Қалпоқ.
17.35 Саломатлик сирлари.
17.55 «Муҳаббат можароси". Телесериал.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалидан лавҳалар.
20.00 «Қилни қирқ ёриб". Интеллектуал ўйин.
20.50, 21.45 Эълонлар.
20.55 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат".
Телесериал.
21.50 Мумтоз наволар.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Кулгуч.
22.55 «Оролга сайр". Бадиий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун!

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Мультчархпалак".
17.40 «Франциянинг унутилмас гўшалари". Хужжатли фильм.
18.30, 20.00, 21.25, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Шунақа гаплар".
19.10, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз".
20.20 «Биргаликда куйлаймиз".
22.05 «Ёшлар даврасида".
22.45 Кинонигоҳ. «Инглизча қотиллик". 1-2-сериялар.

### SPORTV

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бодрое утро".
8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.00 Мультсериал.
9.10 "Три окна".
9.50 "Большое кулинарное путешествие".
10.30-11.00 "Гиннес рекордлари".
17.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
17.15 "Болалар спорти".
17.35 "Камолот кубоги" мусобақаси.
17.50 "Белбоғли кураш".
18.15 "Жаҳон футболи".
18.45 "Оғир атлетика".
20.00 "Вести".
20.20 "Спорт салтанати".
20.45 Мусиқий дастур.
21.00 "Хабарлар".
21.15 "Спортимиз одимлари".
21.40 "Еврофутбол".

### 30 канал

9.00 – Открытие программы
9.05 - «Теле-хамкор» фойдали газета
9.20 – «Детский час»- мультсериал
9.50 - Фильм детям: Затвра на траве», 1 серия
11.10 – «Ошикона» мусиқий дастури
11.55 – Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса
12.40 – «Крокодил Данди в Лос-Анджелесе», комедия
14.30 - Сериал по выходным - «Против течения»
15.30 – «Музыкальный калейдоскоп».
16.00 –«Детский час» - мультсериал
16.45 - «Теле-хамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ «Болалр соати»
17.35 – НТТ – «Шум бола» бадий фильм
19.00 – «Ошикона» мусикий дастури
19.45 – «Телехамкор» фойдали газета
20.00 - «Хит-парад - плюс»
21.00 – НТТ «Вечные ценности» художественный фильм 1 серия (Индия)
- НТТ Анонс
22.35 – НТТ «Вечные ценности» художественный фильм 2 серия.

### ОРТ (1 канал)

5.00 Новости
5.10 Приключенческий фильм «Малыш-каратист - 3»
7.20 Играй, гармонь любимая!
8.00 Слово пастыря
8.10 Здоровье
9.00 Новости
9.10 «Три окна» Андрея Макаревича
9.50 «Большое кулинарное путешествие»
10.30 Дисней-клуб: «Кряк-бригада»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.20 Премьера. «Виктор Цой. Жизнь как кино». Документальный фильм
12.10 История с географией. «Золотая империя Египта». Фильм 1-й
13.10 Остросюжетный фильм «Экстренное торможение»
15.00 Футбол. Чемпионат России. «Динамо» - «Спартак». Прямой эфир
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 Лариса Долина, Александр Буйнов, Лев Лещенко, Кристина Орбакайте, Юрий Антонов в праздничном концерте
18.30 Большая премьера. Новая комедия «Стюарт Литтл - 2» (2002 год)
20.00 Время
20.20 Томми Ли Джонс в остросюжетном фильме «Вулкан»
22.10 Курт Рассел в боевике «Большой переполох в маленьком Китае»
0.00 Ричард Гир в фильме «Мистер Джонс»
2.10 Комедия «Ваш шанс стучится в дверь»
4.00 Сериал «Дефективный детектив». Заключительная серия

### РТР

5:00 «Доброе утро, Россия !».
6:40 «Золотой ключ».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 «Русское лото».
7:55 «Военная программа» Александра Сладкова.
8:20 «Вокруг света».
8:50 «Субботник».
9:30 «Утренняя почта».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:20 «Сто к одному». Телеигра.
11:15 «В поисках приключений».
12:10 «Комната смеха».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 РОДНОЕ КИНО. К ЮБИЛЕЮ ОЛЕГА ТАБАКОВА. Лидия Смирнова, Анатолий Папанов, Евгений Евстигнеев и Людмила Гурченко в комедии «Дача».
15:00 Марина Ладынина, Клара Лучко, Сергей Лукьянов и Екатерина Савинова в музыкальной комедии Ивана Пырьева «Кубанские казаки». 1949г.
17:00 «Наши песни».
19:00 ВЕСТИ.
19:25 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
19:50 Максим Галкин, Лолита, группа «ЭКС-ББ» и многие другие в юбилейном вечере Аркадия Арканова.
21:25 Оксана Акиньшина, Катя Горина, Александр Баширов и Кирилл Пирогов в фильме Сергея Бодрова-мл. «Сестры». 2000г.
23:05 Жан-Клод Ван Дамм в боевике «Самоволка» (США). 1990г.
1:15 «Горячая десятка».
2:15 НОЧНОЙ СЕАНС. Джек Леммон в комедии Артура Хиллера «Приезжие» (США). 1970г.
4:05 Канал «Евроньюс» на русском языке.

## ЯКШАНБА 21

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 "Камалак" экрани:
9.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
10.00 "Ватанпарвар".
11.00 Ўзбекистон халқ артисти Б. Хамдамов куйлайди.
11.30 ТВ анонс.
11.35 "Бу турфа олам".
12.25 "Дўстлик" тележурнали:
1."Ҳамкорлик ришталари".
2. "Дидар".
12.55 ТВ анонс.
13.00 "Интеллектуал ринг".
13.45 "Ҳаёт давом этади".
14.05 ТВ анонс.
14.10 "Ошкора қотиллик қиссаси". Бадиий фильм.
15.35 "Йиллар армони".
"Болалар сайёраси" :
16.15 "Олтин тож".
16.50 ТВ анонс.
16.55 "Қўшиғимсан, муҳаббат".
17.10 "Шахсий фикр".
17.40 ТВ анонс.
17.45 "Тамаддун".
18.05 "MAGGI" ®. Олтин ошхона.
18.30 "Оққуш". Видеофильм.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Шарқ тароналари" фестивали оҳанглари.
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 ТВ анонс.
21.20 "Қизлар давраси".
22.30 "КиноТеатр".
22.50 "Худди ота-боладек". Бадиий фильм премьераси.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг". Информацион дам олиш дастури.
8.00 «Янги авлод» студияси: Билағон маслаҳати.
8.20 Мафтунингман, диёрим!
8.25 «Тарзан". Мультфильм.
9.55, 12.05, 19.30 ТВ -анонс.
10.00 Мен 14 ёшдаман.
10.05 Кулгуч.
10.15 Ёшлик наволари.
10.25 Кичкинтой театри.
10.45 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
11.35 Орзулар қанотида.
12.10 «Маҳобҳорат". Телесериал.
12.55 Азизим
13.30 «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалидан лавҳалар.
13.50 Сайёра.
14.10 Мен 14 ёшдаман.
14.15 «Императорнинг маҳфий фармони". Бадиий фильм.
15.45 Чемпион сирлари.
16.05 Ринг қироллари.
16.55 «Қаҳқаҳа» театр студияси намойиши.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
17.45 «Балиқ тилга кирганда". Мультфильм.
17.55 Мен 14 ёшдаман.
18.00 «Эрамиздан аввалги дунё". Илмий оммабоп фильм. 5-қисм.
18.25 Ҳаёт қадри.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Сув - ҳаёт манбаи.
19.40 Феруза Жуманиёзова куйлайди.
20.00 «Заковат". Интеллектуал ўйин.
20.55, 21.45 Эълонлар.
21.00 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат".
Телесериал.
21.50 Мумтоз наволар.
21.55 «Бошпана излаб". Бадиий фильм.
23.15-23.20 Хайрли тун!

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами".
19.10 «Тенгдошлар".
19.40, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Пойтахт плюс".
20.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.50 «Нима учун?"
21.50 «Туризм ҳақида".
22.20 Кинонигоҳ. «Оқим".
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

### SPORTV

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бодрое утро".
8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.00 "Соғлом овқатланиш сирлари". Инглиз тилида.
9.10 "Непутевые заметки".
9.30 "Пока все дома".
10.10 "Қувноқ стартлар".
10.50-11.05 "Рақибингиз гроссмейстер".
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
17.15 "Спорт- саломатлик гарови".
17.30 "Белбоғли кураш". Республика турнири.
17.55 "Оғир атлетика".
18.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Нефтчи" - "Трактор".
19.35 "Тайм аут".
20.00 "Вести недели".
21.00 "Хабарлар".
21.15 "Спорт- менинг ҳаётим".
21.30 "Полвонлар даврасида".
22.00 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".
23.35 "Тунингиз осуда бўлсин!"

### 30 канал

9.05 - «Теле-хамкор»
9.20 – «Детский час»
9.40 – «Юлдузлар табриги» мусикий дастури
10.05 – Документальный сериал
11.00 – «Телехамкор».
11.15 – Документальный сериал на узбекском языке
12.00 - «Завтрак на траве», 2 серия
13.30 - «Хит.парад - плюс» повтор передачи
14.30 – Сериал по выходным - «Против течения»
15.30 – «Спорт - экстрим»
16.00 – «Детский час», мультсериал
16.45 – «Телехамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ – «Болалар соати»
17.30 – НТТ - Анонсы
17.35 – НТТ – Табиат муъжизаси
18.00 «Гиннес рекордлари»
18.20 – НТТ - «Концерт»
19.00 – «Телехамкор» фойдали газета
19.15 «Ошикона».
20.00 – «Документальный фильм»
20.20 – «Мусикий табассум»
21.00 – НТТ «U-571» художественный фильм

### ОРТ (1 канал)

5.00 Новости
5.10 Алексей Грибов, Олег Стриженов, Николай Крючков в футбольной комедии «Спортивная честь»
7.10 Служу Отчизне!
7.40 Дисней-клуб: «С добрым утром, Микки!»
8.10 «В мире животных» с Николаем Дроздовым
9.00 Новости
9.10 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым
9.30 Пока все дома
10.10 Дог-шоу
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Живой мир. «Прогулки с динозаврами. Тайна рождения»
12.10 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
12.40 «КВН-2005». Высшая лига. Второй четвертьфинал
15.00 «Невероятные полеты: МАКС - 2005»
15.30 «Личная жизнь Олега Табакова»
16.30 Алексей Гуськов, Олеся Судзиловская в фильме «Мусорщик»
18.20 Премьера лета. Приключенческий фильм «Остаться в живых». Фильм 7-й
20.00 Время
20.20 Кевин Костнер, Деннис Хоппер в приключенческом фильме «Водный мир»
22.50 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Мигель Анхель Котто - Демаркус Корли
23.20 Суперчеловек. «Вес имеет значение»
0.20 Сериал «Секретные материалы» («X-files»)
2.00 Луи Де Фюнес в комедии «Скупой»

### РТР

5:00 «Доброе утро, Россия !».
6:20 «Сельский час».
6:45 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 «Диалоги о животных».
7:55 ПРЕМЬЕРА. Дэвид Суше в детективе «Пуаро Агаты Кристи. Смерть на Ниле» (Великобритания). 2004г.
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10:50 «Сам себе режиссер».
11:40 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12:10 «Александр Годунов. Побег в никуда».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Фитиль N51». Сатирический тележурнал.
14:05 СОКРОВИЩА ИНДИЙСКОГО КИНО. Мелодрама «Мое сердце для тебя». 2000г.
16:00 ВЕСТИ.
16:10 Мелодрама «Мое сердце для тебя». 2000г. Продолжение.
17:10 «Аншлаг» на Черном море».
19:00 ВЕСТИ.
19:25 «Специальный корреспондент».
19:50 Вячеслав Шалевич в комедии Аллы Суриковой «О любви в любую погоду». 2004г.
21:50 ПРЕМЬЕРА. Юбилей Олега Табакова в клубе «Театр + ТВ».
23:40 Джош Хартнетт в комедии «40 дней, 40 ночей» (США - Великобритания). 2002г.
1:30 Чемпионат мира по автогонкам в классе «Формула-1». Гран-при Турции. Трансляция из Стамбула.
2:35 Детектив «Прочная сеть-2»
3:20 Канал «Евроньюс»

## РУҲЛАР ЁРДАМИ...

*Ажойиб-ғаройиб*

Бир дугонамнинг бобоси жуда ҳалол, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайдиган инсон эди. Доимо озода, покиза юрарди. Уни кўрган ёшлар ҳам ҳавас билан: "Биз ҳам шундай қарийлик", - дея ният қилишарди. У неки ишга қўл урса ҳаққоний ҳал этарди, бировга яхшилик қилса миннат қилиб юрмасди.

Отахон бир вақтлар қассобчилик билан шуғулланган экан. Аммо сўйиш учун мол сотиб олгани бозорга бормас экан. Азонда бомдод намозини ўқиркан-да, яна ўрнига ётиб оларкан.

Қизиғи шундаки, шу пайтда унинг ёнига руҳлар келиб: "Эй, Каримжон тур ўрнингдан! Сен сотиб оладиган мол келди бозорга. Нархи ҳам сенга тўғри келади. Боргунинча шу мол сотилмай туради", - дея қорамолнинг нархигача айтиб, чолни ўрнидан турғизаркан.

Дугонамнинг бобоси бозорга борса, айтилган мол, ўша нархда турган бўларкан. Уни сотиб олиб, сўяркан-да, доимгидек гўштини дўконга кўтарага бериб юборар-кан.

Ҳа, "Ҳалол одамга фариштталар, ўтганларнинг мададкор бўлади", - дейишади. Рост гап экан!

## ОЛДИНДАН ХАБАР БЕРИШГАН

*Туш таъбирномаси*

Синглим олийгоҳга ҳужжатларини топширди. Лекин имтиҳонлардан йиққан бали қабулга етмади. У руҳини туширмай, компьютерда ишлаш сирларини ўрганди. Сўнг ўзи қизиққан касб бўйича ишга кирди.

Кейинги йил яна ўқишга кириш учун ҳаракат қилди. Бу йил олдингидан кўпроқ тайёрланди. Омади чопиб, ўқишга кирди. Хурсанд бўлиб уйга кириб келаркан менга: "Ўзи ўқишга киришим тушимда аён бўлганди", - деди.

Ўша кезлари синглим бир туш кўрган экан. Уйимиздаги энг катта хонамизда оппоқ кийим кийган бир талай аёллар ўтиришган экан. Улардан бири синглимга қараб:

- Сен яхшилаб тайёрлангин. Биз ҳаммамиз сени дуо қилиб, ўқишга киришингни Худодан сўраб ўтирибмиз, - дебди.

Раҳматли катта ойимлар: "Болам, тушингга эътибор бериб юргин. Дили пок инсонларнинг туши олдиндан аён бўлади", - дея айтардилар. Катта ойим нечоғли ҳақликларига ўшанда имон келтирдим.

**ЛАТОФАТ.**




*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Xatlaringizni kutamiz.*

### ONAJON

**Ona sizni har doim,
Ko'nglingizni olayin.
Mehringizni his etib,
Yaxshi bola bo'layin.**

**Yurakdagi dardingizga
Men qulog'im solayin.
Qo'llaringizga gul tutib
Ta'zim bajo aylayin.**

**Bog'imdagi gullarning
Go'zali ham siz bo'ling.
Sizni doim Ollohim,
Panohida asrasin.**

**Sapura ALLANIYOZOVA
Xo'jayli tumani 5 o'rta maktabning 10 "A" sinf o'quvchisi.**



**Dilnoza IBROHIMOVA
Toshkent shahar, Yunus-obod tumani 110 - maktabning 5 "J" sinf o'quvchisi.**



## SKANVORD




**Marhabo DONIYEVA
Qashqadaryo viloyati, Dehqonobod tumani
Qarashina tumani Nodira ko'chasi**

## O'ZINGIZ BO'YANG!



**Shoxrux ABDURAZZOQOV
Bekobod shahar Alisher Navoiy nomli 9 - maktabning 4 "T" sinf o'quvchisi.**

### MEHRIBONIM

***Topolmadim sizdek mehribon ona,
Sizsiz bu olam menga vayrona.
Uchrasa ham bir go'zal kashona,
Sizdan voz kechmayman ey munis ona.***

***Siz meni quyoshim onam,
Har bir ishda yo'ldoshim onam.
Doim qildingiz menga nasihat,
Suyangan tog'im, ishongan bog'imsiz
Onam.***

***Siz borsizki olam charog'on,
Siz borsizki oila farovon.
Bag'ri kengsiz munis onajon,
Baxtimga sog' bo'ling, har qachon.***

### URUSH BO'LMASIN

***Urushdan norozi hamma olomon,
Ammo urush bo'ladi yomondan-yomon.
Urush keltirar g'am – alam, armon,
Tinchlik istaydi bobolar hamon.***

**Dilso'z ALLABERDIEVA
Toshkent viloyati, Bekobod tumani 38 o'rta maktabning 6 "A" sinf o'quvchisi.**



**Jahongir FAXRIDDINOV
Qashqadaryo viloyati, Sahrisabz tumani Nafis san'at liseyi o'quvchisi.**

# НАБИРАЛАРИМГА НАСИҲАТЛАР

**(Боши ўтган сонларда)**

- Ҳаётнинг энг зўр ҳузур-ҳаловати, энг юксак қувончи одамларга нисбатан меҳрли эканингдандир;

- Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш ҳам меҳрдан;

- Инсонларга меҳр улашиб яшаш, фақатгина мард ва чин инсонга хос фазилатдир;

- Меҳр бермай, одамлардан меҳр кутиб яшаш ёзда осмондан қор кутишдек гап;

- Инсон меҳр кўрмаса, шафқатсиз,- жоҳил бўлади ва разолату тубанликларга қорилиб ҳаётдан ўтади;

- Меҳр тўла нигоҳ дунёни эзгуликка буркаши ва қаҳрли нигоҳ уни остин-устин қилиши ҳеч гап эмас;

- Агарки, банда бандаларга меҳр билан муносабатда бўлар экан, Аллоҳ ҳам унга меҳр кўрсатгусидир;

- Ҳаёт тарозусининг паллалари ҳам, тоши ҳам меҳрдан бунёд бўлган азалдан. Агар бунга кўнгил кўзи билан қарасанг, бу тошу-тарозу бамисоли олтинга ўхшайди. Агар бу паллаларга ҳудабеҳуда қаҳр солмоқ истасанг, улар ўз-ўзидан оддий тошдан яралган тарозидан фарқи қолмайди;

- Фарзандга доимо ширин гапларни гапириш, тарбиялашга катта аҳамият бериш, унинг қалбига меҳр уруғини экиш керак;

- Бола ҳам отага меҳр-муҳаббат билан қарасагина отанинг меҳрини қозониши мумкин, йўқса фарзанддан отанинг ихлоси қайтиши, меҳри нуқсонга йўл тутиши мумкин;

Инсонни инсон қилиб турувчи фазилатлар, аввало унинг меҳр-шафқати, мурувватидан намоён бўлади;

Ана шунақа, азиз болажонларим. Меҳр-муҳаббат, мурувват аввало оилада, сўнгра боғчада, мактаб, олий ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида, кўча-кўйда қолаверса маҳаллада, жамоат жойларида юзага келади.

Меҳр ва мурувват инсонга мадад, қалбига юмшоқлик, ҳаётига маъно беради. Меҳр ва мурувватни-ҳис этган, ундан баҳраманд бўлган одам бошқаларга ҳам эзгулик улашишга ҳаракат қилади, худбин фикрлардан узоқлашиб, ўзгалар билан ҳисоблашадиган, оғирини енгил қиладиган бўлиб қолади. Ахир одам одам билан тирик-ку, гарчи ҳар бир одам, бир олам, бетакрор бир дунё бўлган тақдирда ҳам.

Инсон қалбида меҳр-муҳаббат қанчалик юқори бўлса, унинг яшашга, эзгуликка иштиёқи шунча баланд бўлади. Инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини ўлчаб бўлмайди, аммо унинг тафтини ҳис этиш мумкин. Кўнгил-кўнгил деймизу, ана шу кўнгил мулкининг биринчи очгувчи калити меҳр ва муҳаббат эканлигини барчамиз ҳам бирдек англаб етолмаймиз.

**Меҳр-мурувватли бўлиш фазилати замирида инсоннинг бир-бирига муҳаббати, қудратли инсоннинг кучсизга шафқати, бадавлатнинг ночорга нисбатан саховати, катталнинг кичикка ғамхўрлиги, яхшининг эзгу ишлари, чин дўстлик, вафо каби тушунчалар жамлангандир. Инсониятнинг барча эзгу ишларига ва самимий дўстлигига айнан меҳр-муҳаббат, меҳр-мурувват сабабдир.**

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) "Меҳр-мурувватли киши барчани бирдек кўради ва бирдек севади", деб марҳамат қилганлар. Кўриниб турибдики, меҳр барчага бирдек қаратилиши лозим. Яъни у гўё қуёшдек барчага баробар нур ва зиё таратмоғи даркор. Меҳр шундай фазилатки, унга эга инсон дунёда сира кам бўлмайди. Бундай хислат эгаси барча одамларга, албатта, эзгуликни раво кўради, яхшилик қилишга интилиб яшайди. Ва охиратда бунинг самарасини, хайрли мевасини кўради, хоҳ яхши одам бўлсин, хоҳ ёмон-унга эзгулик қилади.

Бу хусусда Пайғамбаримиз шундай деганлар: "Ғанимларингизга ҳам меҳр-шафқатли бўлингиз". Чинакам меҳр-мурувватли ва шафқатли инсонгина сахий бўлади ва мурувват кўрсатади. Боғида пишган ҳар қандай неъматдан маҳалла -кўйга улашиш, уйида нони кўпайса қўшнисига чиқариш, айтилган меҳмон у ёкда турсин, ҳатто чақирилмаган ва бевақт келган меҳмонни ҳам эъзозлаш, буларнинг бурчаси азал-азалдан саховатпеша, меҳридарё халқимизга хос фазилатдир.

Инсонни Аллоҳ ўз марҳамати ила яратиб, мавжудотлар орасида бор меҳрни унга берган. Шунинг учун ҳам бутун олам гултожи инсондир. Бу беш кунлик дунёда қуёш нури каби меҳр-муҳаббатингизни, меҳр-мурувватингизни бир-бирларингиздан дариғ тутманглар. Меҳр дилингизда, тилингизда бўлсин, азиз болажонларим.




* * *

**Ростгўйлик, ҳақгўйлик ва тўғрилик инсоний фазилатларнинг сараларидан ҳисобланади.**

Халқимизда: "Бошингга қилич келганда ҳам рост гапир", "Ёлғон гапириб тирик қолгандан кўра, рост гапириб ўлган яхши" ёки "Тўғри сўзлаб, тўғри вафот этиш, ёлғончи бўлиб узоқ яшашдан кўра хайрлидир", деган ҳикматлар бор.

Ўз даврининг улуғлари ростгўйликни маромига етказиб, мадҳ қилганлар, дилбар жумлалар битганлар. "Ростгўйлик - ҳаёт нафаси, у ҳар қандай фазилатларнинг негизи", "Ҳатто энг майда-чуйдаларда ҳам ростгўй бўлиш керак", дейишган. Ҳатто, "ҳақгўйлик, тўғрилик ва ростлик -Тангрининг номидир" деб шарафланган.

Ана сизга хулоса, азиз болажонларим. Албатта ростгўйлик, ҳақгўйликнинг бунчалик улуғланишига асос бор. Ростликнинг натижаси омонлик, оқибати эса шарофатлидир. Ростликнинг меваси ширин, мазаси тотли. Ҳамиша ростликдан, унинг муаттарликларидан одамзод кўнгли таскин топган.

Ёлғончилар -вафосиз бўладилар. Вафосиз киши эса ҳамиша ножўя ишлар қилади.

Қуръони каримда: "Эй Мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва иймонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз", (Тавба сураси, 119-оят), "Эй Мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва ҳақ сўзни сўзлангиз" (Аҳзоб сураси, 70-оят) дейилган.

Шу ўринда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) сўзларини ҳам эслатиб ўтмоқчиман: "Ростгўй бўлинг, ростгўйлик эзгуликка бошлайди, эзгулик эса жаннатга бошлайди. Модомики киши рост гапирса ва шунга ўрганиб қолса Аллоҳнинг наздида сиддиқлар даражасида ёзилади. Ва ёлғондан эҳтиёт бўлинг, ёлғон бузуқликка бошлайди, бузуқлик эса дўзахга элтади. Модомики, киши ёлғон гапирса ва шунга ўрганиб қолса, Аллоҳ уни каззоб-худосизлар қаторига ёзиб қўяди".

**(Давоми бор)**

**Мансур АЛИЕВ**

# БУ ҚАЙТАР ДУНЁ



Фазилатнинг ҳам барча дугоналари сингари орзу-умидлари чексиз эди. Мактабни битирди-ю, ўзи истаган соҳа – ҳамширалик-ка ўқишга кирди. Аммо, орзу-ҳавас бошқа-ю, ҳаёт бошқа экан.

Ота-онасининг орзуси беш фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли қилиш эди. Лекин онасининг сўнги пайтларда тез-тез касал бўлиши, тунлари нафас қисишидан қийналиб чиқиши, ёлғиз қиз Фазилатни ташвишга солар, ўйлантирар эди.

Бир куни кечки овқат пайтида она-бола ёлғиз қолишди. Шунда Фарида опа қизининг кўзларига оналик меҳри билан тикилиб секин сўзлай бошлади: “Она қизим, ҳозир айни ўйнаб-куладиган пайтинг. Лекин кўзимнинг очиқлигида сени ҳам тиниб-тинчиганингни кўрсам дейман. Сенга айтмовдим, қизим, қишлоғимиздаги Содиқ сувчининг ўғли Низомжондан совчи келяпти. Агар рози бўлсанг...”— онасининг томоғига бир ҳарса тиқилгандай, индамай қолди.

Фазилат онасининг ёш тўла кўзларига тикилиб, уни маҳкам қучди: «Ойижон, сиз нима десангиз, шу бўлади. Ахир сиз мени ёмон одамга раво кўрмайсиз-ку. Мен розиман ойижон. Фақат, йиғламанг»,- деб онасининг юзини дастрўмоли билан артиб қўйди.

Ўша тунда Фазилат узоқ хаёллар оғушида кўз юммай чиқди. Дарҳақиқат, у ҳам ўзига яраша ақл-фаросатли, ҳусн-латофатли, қатъиятли қиз эди. Лекин, Фазилат эндигина 17 баҳорни қаршилаган, бировни ёқтириб-ёқтирмаган, севиб-севилмаган, қалби жўшқин орзулар билан тўлиб-тошган ёшликнинг бетакрор, дамлари оғушида эди.

Шундай ширин ўй-хаёллар билан саҳарга яқин ухлаб қолди. Тушида оппоқ никоҳ либосида эмиш-у, кўйлаги калта бўлиб, тиззасидан юқорида турар, у эса хижолатдан қўллари билан этагини пастга тортар, оёқларини беркитишга уринарди. Кўнгли ғаш бўлган Фазилат эрта тонгда турди-ю, ҳеч кимга ҳеч нарса демай, уй юмушларига уриниб кетди. Лекин қиз қалбининг туб-тубида қандайдир номаълум ички нидо: “Фазилат, йўқ дегин, тўйни қайтаргин, онангга тушунтир, иродангга бўйсин, бўш келма!” - деб уқтирарди. У эса онасининг сўзини қайтаролмасди.

Шундай қилиб, айни узум пишиғида Фазилатнинг тўйи бўлди. Онаси эса фарзандидан хотири жам ёруғ дунёни тарк этди.

Фазилат энди янги хонадоннинг янги тартибларини ўрганар, бўйсунар, эрининг, қайнонасининг ҳурматини жойига қўяр, уй-рўзғор юмушларини беками-кўст бажарар эди. Айниқса, эрининг меҳрибончилигидан ичида суюнар, фақат унинг бахтли кунларини кўролмай кетган онажонини эслаб ич-ичидан куюнар эди. Орадан анча йиллар ўтди. Фазилат уч ўғил, бир қизлик бўлди. Энди улар олти кишилик оила эдилар. Эр-хотин ширилдан-шакар фарзандларини суяр, эркалар, шулар деб кеча-кундуз тинимсиз елиб югурар эди. Булардан бахтли, аҳил, тотув оила йўқдай эди. Ҳамма бало эрининг “такси ҳайдовчиси” бўлганидан бошланди. Низомжон тонг саҳардан ишга кетар, кеч қайтар, катта-катта пул топар, лекин арзимас нарсадан жанжал чиқарар, бақириб чақирар, болаларнинг хархашасидан безор бўлар, бошқа хонада тунар эди. Фазилат эса эрининг ўзгарганини сезиб, билиб билмасликка олар, бу ҳол ўткинчи, деб умид қилар эди.

Бир куни ярим кечада Низомжон ғирт маст, оёғида туролмас, телбаларча эшикни муштлаб урар, сўкинар эди. Бешикда ётган қизчасини эндигина ухлатиб бўлган Фазилат сакраб туриб, ҳовлига чиқдию ҳайратдан қотиб қолди: У эрини бундай ҳолатда кўрмаганди: Дағ-дағ қалтираган Фазилат: “Киринг, киринг уйга дадаси”,- деганини билади, эри жон-жаҳди билан кўкрагидан итариб юборди. Эшик остонасига орқаси билан чалқанча тушган Фазилат оғриқ зарбидан “вой” - деб, юборди-ю, болалар уйғониб қолмасин, деб яна секин ўрнидан турди. Эри эса ғазабдан қалтираб, ғажишга тайёр турган шердай ваҳшийларча тикилиб: “Сен алвасти кўринма кўзимга! Йўқол, чурвақаларинг билан! Тўйдим сендан, бундай ҳаётдан. Сенга қарасам, кўнглим айнийди”- деб Фазилатни тепиб юборди. Қий-чувдан уйғониб кетган болалар олдин уввос тортиб йиғлашди. Сўнгра дадасининг важоҳатидан қўрқишиб, ошхонага кириб беркинишди. Энди биринчи синфга борган Аъзамжон укаларини пинжига олиб, тинчитиб, миқ этган овоз чиқармай тонг оттирди. Фазилат эса туни билан кўз юммай, эрининг “мастлик-ростлик”даги гапларини ўйлаб, ўйига етолмай, ўртаниб чиқди. Дарҳақиқат, у эрининг гапларида жон борлигини, эрим-рўзғорим, деб ўзига қаролмаганини, болаларим яхши есин, кийсин деб ўзига янги кийим ололмаганини ва ниҳоят, Низомжоннинг ундан кўнгли қолганлигини англаб, лекин мунчоқдек қоракўзлар, норасида гўдакларини ташлаб кетолмас, виждони йўл қўймас, деб ўйлар, умид қилар эди.

Афсуски, Фазилатнинг ҳамма ўйлари пуч бўлиб чиқди. Кунларнинг бирида у икки қоп картошкани сотиб, рўзғорнинг кам-кўстини қилиш учун катта ўғли Азимжонни олиб шаҳарга борди.

Ишлари тез битгани учун хурсанд бўлиб қайтаётган Фазилат, бекатга етмасдан, эрининг машинасини кўриб ўғли билан югуриб борди. Не кўз билан кўрсинки, машина ичида 30-35 ёшли, баланд бўйли, оқ-сарикдан келган, пардоз-андози жойида, янги чиққан матодан кўйлак кийиб, гул-гул яшнаган аёл ўтирар эди. Низомжонннинг қўли эса аёлнинг елкасида, сирли пичирлашар, кулишар, бир-бирига суйкалишар эди. Аёлга тикилиб қараган Фазилатнинг кўз олди қоронғулашиб кетди. Бу, ахир, ўзи билган, бир неча бор меҳмон қилган, эрининг яқин дўсти – Ҳошимжоннинг хотини – Маҳлиё-ку?! Ўзини йўқотаёзган Фазилат нима дейишни, нима қилишни билмас, ўз кўзларига ишонмас, сўз тополмас эди. Шу алпозда у ўғлининг қўлидан маҳкам ушлаб, биров қувгандай югуриб, юриб кетаётган автобусга зўрға чиқиб олди.

Уйга паришонхотир кириб келган Фазилат учун ўша кунги тун қаро кун бўлди. У эрининг хиёнатини кечиролмас ва бу тамға уни элидан, оиласидан, яқин дўстидан, энг оғири-эркаклик ору-номусидан, айираётганлигига ич-ичидан эзилиб йиғларди.

Фазилат эрининг дўсти Ҳошимжоннинг Маҳлиё билан бирга ўқб, севишиб турмуш қурганини билар, ўртада фарзанд бўлмаса ҳам, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатларига ҳавас билан қарар, ҳурмат қилар эди.

Фазилат Маҳлиёни кўз олдига келтирар экан, аёлнинг эрининг юзига оёқ қўйиб, бировнинг боласини отасиз, гулдай хотинини эрсиз қолдириб кетганлигини дилига сиғдиролмас, тилига чиқаролмас эди. Ўша маъшум учрашувдан сўнг, Низомжон уйга қайтиб келмади. Мана энди Фазилатнинг ҳаловатсиз кунлари, уйқусиз тунлари бошланди. Қўлидаги икки ёшли Диёра “дадамдадамлаб” касал бўлиб қолди. Қайнона-қайнотаси эса “ана, ўғлимиз қайтар, мана ўғлимиз қайтар” деб, эшикка тикилиб, ётиб қолишди.

Шундай кунларнинг бирида Низомжонга ҳужжатлари керак эканми, туш пайтида уйга кириб келди. Фазилат анчадан бери кўнгли айниб юрганини сезар, ёмон ниятга қўл уришдан қўрқар, бировга айтишга хижолат бўлар эди. Шошилиб уйдан чиқиб кетаётган эрига, Фазилат айтайми - айтмайми деб ийманиб: “Дадаси, тўхтанг, бутунлай кетаяпсизми? Кетсангиз, билиб кетинг, ҳомилам бор, яна бирор вақт мендан бўлмаган, деб юрманг”, - деди. Бундай хабарни кутмаган Низомжон кўзларини олайтириб, юзларини бужмайтириб: “Ёпирай, тўртталигида қутулай десам, бешинчисига ҳам улгурибсан-да?! Майли, туғсанг туғавер, лекин мендан нафақа умид қилма”, - деди-ю, “Дада, дадажон!” деб, қолган Диёранинг узатган жажжи қўлларини силтаб, эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетди.

Фазилат эса чинқириб йиғлаётган гўдагини бағрига маҳкам босганича, чил парчин бўлган орзу-умидларига, таҳқирланган, топталган муҳаббатига, садоқатига, отасиз етим бўлиб қолган жигарбандларига, тақдирнинг аччиқ қисматига куйиб йиғлади.

Кузга бориб Фазилатнинг кўзи ёриди. Оллоҳ унга яна бир ўғил инъом этди. Эридан умидини узмаган Фазилат “Отаси қайтиб қолар”, - деб умид қилиб боласининг исмини Умиджон қўйди.

У энди беш фарзандга ҳам ота, ҳам она бўлиб, эмизикли бола билан далага саҳар кетиб, кеч қайтар, ўзи емай едирар, киймай кийдирар, бировдан кам қилмай рўзғор тебратар эди.

Бир куни даладан кеч қайтган Фазилат ўғли Азимжоннинг қовоғи солиқ, укаларининг эса йиғидан шишиб кетган кўзларига қараб: “Тинчликми, ўзи, нима гап?”- деб сўради. Ўғли Азиз эса шошилиб: “Диёра йўқолиб қолди, ҳеч қаерда йўқ, бормаган жойимиз, сўрамаган уйимиз қолмади”, -деб жавоб берди. Чақмоқ ургандай карахт бўлиб қолган Фазилат жон ҳолатда бутун қишлоқни қидирди. Диёра йўқ эди. У ҳали уч ёшга тўлиб-тўлмаган жажжи қизалоқни туну-кун излар, Оллоҳдан нажот сўрар эди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Фазилатнинг узоқ бир қариндоши Диёрани етаклаб юрган Маҳлиёни шаҳарда кўрганини айтди.

Фазилат сўраб-суриштириб, эрининг уйини топиб борди. Баланд деворлар билан ўралган нақшинкор дарвоза олдига бориб секин қўнғироқни босди. Анчадан сўнг эшикни бир аёл очиб, уйда ҳеч ким йўқлигини, эр-хотинлар қизларини олиб денгиз саёҳатига кетишганлигини айтди.

Фазилат қизалоғини соғиниб, уни қўмсаб, шаҳарга кўп марта борди. Лекин улар ҳар сафар турли баҳоналар билан болани беришмас, кўрсатишмас эди.

Орадан анча йиллар ўтиб, ўғиллар улғайиб Фазилатнинг юракдаги яралари эскириб, тақдирнинг ишларига тан бериб юрган кезларнинг бирида, ён қўшниси Маҳлиёнинг касалхонада оғир ётганлигини, уни сўраётганлигини айтиб қолди. Бораймы, бормайми, деб узоқ ўйлаган Фазилат гина-кудратларини йиғиштириб, касалхонага борди. Икки кишилик хона эшигини очиб кирган Фазилатнинг кўзи, ранглари докадай оқарган, жағ суяклари туртиб чиққан, кўзлари чўкиб кетган аёлга тушди. У ётган жойда секин қимирлаб, “келинг” ишорасини билдирди.

Фазилатнинг эса этлари жимирлаб, бир вақтлар гулдай яшнаган аёлнинг сўлғин чеҳрасига қараб, юраги ачишиб, секин яқинлашди. Аёл оғир хўрсиниб, гап бошлади: “Фазилатхон, мени кўриб турибсиз, Оллоҳ қилмишимга яраша жазолади. Мен ҳою-ҳавасга берилиб, ўз оиламни, сизникини саргардон қилдим. Камига ёлғиз қизингизни бағрингиздан тортиб олиб, сизни қон қақшатдим. Мана, олти ойдан бери касалман, Низом ака эса ўзидан салкам йигирма ёш кичик аёлга уйланиб, охирги истагим: Уйимда жон беришимни ҳам истамаяпти, мана кўрдингизми, дунёнинг ишларини садоқатга садоқатли, хиёнатга хиёнатли дунё экан бу.

(Давоми 13- бетда)

# АТИРГУЛ БАЗМИ



Атиргул гўзаллигидан лол бўлмаган, ҳидидан маст бўлмаган одам бормикан? Атиргул хушбўйлигидан, гўзаллигидан ташқари, дардларга даволиги билан ҳам бебаҳо ўсимликдир. Унда юздан ортиқ биологик фаол моддалар - микроэлементлар (магний, фтор) ва B, C, K, E витаминлари мавжуд. Унинг пушти ва қизил баргларидан эфир мойлари олинади. Эфир мойлари ёрдамида мигрен, бош айланиши, тиш милклари касалликлари даволанади. Бронхиал астма, бўғин ва пайлар оғриғида атиргул даво сифатида буюрилади. Атиргул мойи ишчанликни оширади, кайфиятни кўтаради, уйқусизликка барҳам беради, ошқозон яраларига малҳам бўлади. Шунингдек, у терининг турли касалликлари, яраларда, куйганда ҳам даво сифатида қўлланилади. Атиргул баргидан дамланган чой юрак фаолиятини яхшилайди, кексаларнинг эшитиш, кўриш қобилиятини оширади. Фарзанд кўришни истаган аёлларга оқ ва пушти атиргул шарбатлари, эркакларга эса қизил ва тўқ рангли атиргул шарбатларидан ичиш тавсия этилади. Ёмон, изтиробли кайфиятдан фориғ бўлишни истовчилар турар жойларига атиргул сувидан сепиб чиқишлари лозим.

***Тонзиллитда:*** тенг миқдордаги атиргул ёки унинг қуритилган барглари ва асал аралаштирилади. Бу аралашмани оғизда мумкин қадар кўпроқ сақлаб туриш лозим бўлади.

**Атиргул мойини олиш учун** зайтун мойига янги узиб олинган гулбарглари солинади ва қуёш тафтида ўзини қизил ранги оқ ранг бўлгунча қўйиб қўйилади. Сўнг гулбарглари мойдан сиқиб олиниб, ташлаб юборилади. Қолдиқ мой устига янги гулбарглар қўшилади. Шу усул етти марта такрорланади.



Ярим соатдан сўнг туфлаб ташланади. Бу амални кунига 2-3 марта 3-4 кун давомида бажариш лозим.

***Бронхиал астмада:*** атиргул баргларидан 10 ош қошиқ, 0,5 кг. эзилган ошқовоқ, 1 ош қошиқ майда янчилган зубтурум барги, 2 ош қошиқ асал, 1 литр қизил вино қўшилади ва оловга қўйиб, қайнатиш даражасигача (қайнаб кетмаслиги керак) етказилади. Бу малҳам уч кун давомида 1 ош қошиқдан кунига 5 марта ичилади.

***Ич қотганда:*** овқатдан ярим соат олдин кунига 2-3 марта атиргул баргларини яхшилаб чайнаб ташланади.

***Стоматит - оғиз яллиғланганда:*** 2-3 ош қошиқ атиргул баргларини майда тўғраб, 2 стакан қайнаган сувга солиниб, дамлаб қўйилади. Сўнг докадан ўтказилиб, кун бўйи оғиз шу сув билан чайилади.

***Отит - қулоқ оғриғида:*** оғриётган қулоққа атиргул мойи 2-3 томчидан кунига уч маҳал томизилади.

***Блефарит - кўз қовоқлари шамоллашида:*** қовоқларга кунига 2-3 маҳал атиргул мойи суртилади. Даволаш муддати - 1 ой. Шу билан бирга қизил атиргул баргларидан чой дамлаб ичинг.

***Конъюнктивит - кўз оғриғида:*** 1 ош қошиқ қуритилган атиргул баргларини 1 стакан қайнаган сувга солиб, 30 минутга дамлаб қўйинг. Тайёр суюқликка пахтани ботириб, шамоллаган кўзларингизни бир неча бор артинг. Уйқудан олдин эса суюқликка ботириб олинган пахтани қовоқларингиз устига қўйиб, 30 минут компресс қилинг.



***Радикулитда:*** қизил атиргулнинг 5-7 дона баргларини бир стакан ароққа бир неча кунга солиб қўйинг. Бу малҳамни оғриган жойга суртиб силанг. Сўнг жун рўмол билан ўраб қўйинг.

***Кўп терлашдан азият чекканда:*** эрталаб ва кечқурун терлайдиган жойларингизга атиргул сувини суртинг.

**Атиргул суви қуйидагича тайёрланади:** Бир-икки кафт атиргул барглари (қуритилгани ҳам бўлади) шиша ёки эмал идишга солинади. 1 литр қайноқ сув совутилади ва атиргул устига солиниб 5 соат қўйиб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб, фойдаланилади.

## АТИРГУЛ СУВИДА ЮВИНИНГ



Ибн Сино шундай деган: агар гўзал бўлай десангиз, атиргул сувида ювининг. Ҳар куни эрталаб юзингизни атиргул суви, яъни, гулобда ювсангиз, юз терингиз таранглашиб, силлиқлашади. Кун бўйи сиздан атиргул ҳиди келиб туради. Олдинлари подшоларнинг хотинлари, қизлари ва канизаклари атиргул сувида ювинганлар.

Гулоб тайёрлаш эса қийин эмас. Бунинг учун атиргул япроқларини йиғиб, салқин жойда қуритиб оласиз ва уни қора матодан тикилган халтага солиб, қоронғироқ жойда сақлайсиз. Гулоб тайёрлаш учун қайнаб турган сувга бир ҳовуч атиргул япроғини солиб, дамлаб-тиндириб олгач, 30-40 дақиқадан сўнг ундан фойдалансангиз бўлади.

Саҳифани **ДИЛРОЗ ВА БАСИРА** тайёрлашди.